

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БУЮК МУТАФАККИРЛАР
ВА ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

ТОШКЕНТ – 2008

Мазкур ўқув-қўлланма педагогика олий ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари ва педагогик коллеж ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда мактабгача ёшдаги болаларни буюк мутафаккирлар ва Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари билан таништиришга мўлжалланган.

Буюк сиймолар ва тарихий ёдгорликлар билан таништириш машғулоти ишланмалари тавсия этилган.

Ушбу қўлланма институт ўқув-услугий кенгашининг 2008 йил июнь ойидаги №10-йиғилишида муҳокама этилиб, нашр қилишга тавсия этилган.

Тузувчилар:

С.Набиева

М.Яхъева

М.Абдурахмонова

Х.Ниёзова

Такризчилар:

педагогика фанлари

доктори Н.Ш.Эркабоева.

Қўқон шаҳар ХТБ га

қарашли №4-МТМ

мудираси Н.Шокирова

Биз ким - мулки Турон
Амири Туркистонмиз.
Биз ким - миллатларнинг
Энг қадими ва энг улуғи-
Туркнинг бош бўғинимиз
Амир Темур

МУҚАДДИМА

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон қалбини кичикликдан бошлаб яхшилик, олижаноблик, инсонпарварлик, одамгарчилик, ақл-идрокли бўлиш, одоб-ахлоқлилик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик, сўзамоллик, хушсўзлилик, илмли бўлиш каби олийжаноб ҳислатлар билан бойитиш инсон камолотининг меъёри бўлиб келган, чунки комил инсоннинг маънавияти юксак бўлади, юксак маънавиятга эга бўлган киши эса ўз халқининг ўтмиш тарихи, урф-одати, қадрияти ва анъаналари, маданиятини чуқур билади, унга риоя қилади.

Республикамиз Президенти И.Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида айтганларидек, "Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. ... Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир".

Республикамизнинг мустақиллиги туфайли ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришлар юз бермоқда, яшаш, ишлаш, илм олиш, умуман, таълим-тарбия жараёнига янгича муносабат тобора қанот ёймоқда, ёшларнинг интеллектуал фаолиятини тобора такомиллаштириши, билим ва иқтидорини намоиш этишлари учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, маънавий меросимиз бўлган ота-боболаримиз, буюк мутафаккирларнинг насиҳат-ўғитлари, илм эгаллашдаги интилишларини, халқимизнинг миллий қадриятларини ўрганиш, уни ёш авлодга сингдириш имконияти кенгайиб бормоқда Шу сабабдан ёш авлодга таълим-тарбия беришда Шарқнинг буюк аллома ва мутафаккирларининг маънавий мероси муҳим моҳият касб этади. Бунинг учун мактабгача тарбия ёшидан бошлаб болалар онгига миллий қадриятларимизни, буюк сиймоларнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини сингдириш шу куннинг асосий талаби бўлиб ҳисобланади. Чунки Ўзбекистоннинг келажакда мустақил тараққий этган буюк давлат бўлиши халқимизнинг ақл-идроки, маънавий етуклигига ҳам боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўз асарларида, нутқларида: “Мустақил фикрловчи, эркин шахсни шакллантириш”га аҳамият бериб келмоқдалар, айниқса, “Иқтисодиёт ва маънавият ажралмасдир,” (Т.”Ўзбекистон.”1998й), Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин,”(Т.”Ўзбекистон,1998й”), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ,” (Т.”Ўзбекистон” 1999й) ”Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси”(Т.”Ўзбекистон,1999), “Баркамол авлод орзуси” (Т.”Шарқ”,1999), ”Юксак маънавият енгилмас куч” (Т.”Маънавият”,2008) каби асарларида, нутқларида “...мустақил фикрловчи эркин Шахсни шакллантириш”га,ўсиб келаётган ёш авлодни эзгулик йўлидаги бунёдкорлик ишларининг давомчиси сифатида маънавий мукамал этиб шакллантириш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигига аҳамият бериб келмоқдалар. Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, "Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим". Шунинг учун ана шундай буюк давлат ёшларини шарқона одоб-ахлоқ, умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда буюк алломалар, мутафаккирларнинг таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялари, маънавий мероси, ўғит-насихатлари, аجدодларимиз томонидан яратилган тарихий ёдгорликлар муҳим омил ҳисобланади, ёшларда буюк келажакка ишонч ҳосил қилиш, соғлом авлодни, юксак ахлоқли шахсни тарбиялашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда, айниқса, халқимиз яратган миллий бойликлар, тарихий, бадиий,диний қадриятлар, халқ оғзаки ижоди, буюк аجدодларимизнинг илмий, ижодий мероси,муқаддас динимиз, буюк алломаларимизнинг маънавий меросларини ёшларга ўргатиш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Шу сабабли мазкур рисолада буюк мутафаккирларимизнинг ахлоқ-одоб, таълим-тарбияни яхшилашга доир орзу-умидлари, ғояларини мактабгача ёшдан ўргатиш орқали болаларда Ватанимиз, юртимиз, миллатимиз ва миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уни эъзозлашни билиш, кичикликдан ахлоқий нуқсонларга мурасасиз бўлиш ҳиссини шакллантириш мақсад қилиб олинди.

Ўйлаймизки, ушбу рисола ҳар бир тарбиячи, ўқитувчи, ота-оналар учун муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади, “Ёшлар йили”га туҳфа бўлади.

БУЮК МУТАФАККИРЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ АСОСИДИР.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни (1997 й) таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш принципларини белгилаб берди.

Республикада Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга ошириш таълимни инсонпарварлаштириш, болалар шахсини тўлақонли тушуниш, уни ҳурматлаш, болаларга ишониш ва уларни ишонтириш, қизиқиши ва қобилятини рўёбга чиқаришга имконият яратиш билан бирга уларнинг инсоний сифатларини шакллантиришни талаб этади. Яъни болада шахснинг инсонийлиги, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, ақл-идрок, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилиқ, дўстлик-биродарлик, ўз юртини, Ватанини, халқини севиш каби фазилатларни тарбиялаш, айна пайтда уларни дадил, ботир, кўркмас шижоатли, тадбиркор, уддабурон, ҳар бир нарсани қадрлай оладиган, миллий, умуминсоний қадриятни тушуниб етадиган қилиб тарбиялаш зарурдир.

Шунинг учун ҳам Республикада бугунги кунда ёш авлод, тарбиясида замонавий омилларга таяниш, айниқса, миллий истиқлол ғоясининг асосий тарихий негизи бўлган миллий қадриятлар, анъаналар, буюк алломалар, ота-боболаримизнинг маънавий меросларига асосланишга аҳамият бериш ҳозирги куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида: "Давлат таълим соҳасидаги сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини... ҳисобга олган ҳолда юргизади", - дейилган. Демак, мактабгача таълим муассасалари ва оилада тарбияга доир инсоният яратган бой маънавий мерос бўлган урф-одатлар, қадриятларимизга катта ҳурмат, эътибор билан қараш, ёш авлод тарбиясида улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса ҳар бир тарбиячи буюк аждодларимиз бўлган Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Аз-Замахшарий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, ўғитларини мактабгача таълим ёшидаги болаларга ўргатиши, теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш машғулотларида уларнинг ўғит-насихатларидан фойдаланиши талаб этилади.

Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насихатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода этилган, ахлоқ-одоб меъёри ҳисобланган.

Ўрта Осиёнинг буюк алломалари ва мутафаккирларидан бири Аз-Замахшарий бўлиб, у Шарқ мамлакатларига қилган саёҳати, ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб, "Атвок-уз-заҳаб фил-ма-воиз вал-хутаб" ("Ўғит ва насихатларнинг олтин шодалари") асарини ёзган. Асар ёш авлодни яхшилик, эзгуликка чорловчи насихат, ўғит, ибрат ва ҳикматли сўзлардан иборат бўлиб, унда инсонийлик, эзгулик, хушхулқлик фазилатлари улуғланади. Асарда ҳар бир инсоннинг инсонпарвар, одамийлик фазилатига эга бўлиши, хушфёъл, самимий бўлмоғи лозимлиги, товламачи, иккиюзламачи, ифвогар, разил одамларнинг инсонга, жамиятга фойдасиз эканлигини "яхшилик билан дур инсон жамоли", - деб таърифлайди, инсонларни ҳалол, ростгўй, ҳақиқатгўй ва адолатли бўлишга ундайди: "Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди", деб таъкидлайди.

Буюк мутафаккир инсонларнинг нутқ одобини, сўзлаш маданиятини эгаллаши, сўзамол бўлиши, яъни сўз гўзаллигини билиши инсон учун энг яхши фазилат, деб билади, каттиқ сўз айтмаслик, жекириб гапирмаслик, бакириб сўзламасликка ундайди.

Бу каби фазилатларни ёшлиқдан тарбия қилиш зарурлиги, бунинг учун тарбияда, ота-оналарнинг, мурабийларнинг ибрати муҳим эканлигини, уларнинг ўз фарзандларини илмли, ақлли қилиб тарбиялашлари лозимлигини қуйидагича ифодалайди: "Ҳар қандай мушкул иш ақл эгаси томонидан ислоҳ қилинур". "Инсоннинг кийинишига қарама, билимига қара". Унинг фикрича, илм, ақл-заковат, камтарлик, уздабуронлик, мулойимлик, саховатли бўлиш инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадрини белгилайди: "Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қимматини ва улуғворлигини зиёда қилмайди", "Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагидан тутса, у муродига етишар, хайру барака топар".

Аз-Замахшарий ёшларни яхшилардан ўрнак олишга, касб ва илмни эгаллашга ундайди, бу ишда сабр-тоқатли бўлиш, чидамлилик, меҳнатни севиш, ўз мақсади сари интилиш фойда беришини таъкидлайди.

Буюк мутафаккир бобокалонимиз Абу наср ал-Фаробий (879 - 950) турли илм соҳаларида замонасининг энг машҳур олими эди.

Фаробий фалсафий асарлар яратган "ал-файласуф ат-туркий"дир. У ўзининг "Талхису Новомиси Афлотун" - "Афлотун қонунларининг моҳияти", "Бахт-саодатга эришувга рисола", "Нуфузли шаҳар аҳолисининг маслаги" каби асарлари ва кўп қиррали ижодида инсон камолотига катта ўрин берди, инсоннинг ақл-заковати, кадр-қиммати, унинг ижодкорлиги, ташаббуси, меҳнати, илм олиши каби фазилатларни улуғлайди. Фаробий ақл инсонгагина берилган буюк қувват бўлиб, у инсоннинг бахтга эришувининг асоси, деб билади: "Ақл фақат инсонгагига хос бўлган туғма қувват, руҳий куч билан боғлиқдир". "Ақлли кишида ўткир зеҳн, идрок бўлиш билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин", - дейиш билан ақлли бўлиш юксак фазилат эканини айтади. У ўзининг "Нуфузли шаҳар аҳолисининг маслаги" асарида инсоннинг бахтли бўлиши учун ҳалоллик, поклик, камтарлик, ақллилик, кучлилик, жасурлик, оққўнгиллилик, гўзаллик, ҳақгўйлик, эзгулик, сўзамоллик давлат ишларини ташкил этишни билиш, келажакка ишончли бўлиш, каби яхши фазилатларга эга бўлиш лозимлигини айтиб: "Адолатли, жасур пок бўлиш билан бирга ёмон қилиқлардан қутулиш ҳам зарур", чунки "бахт киши ўзи учун излайдиган неъматдир", - деб таъкидлайди. Демак, Фаробий фикрича, бахт тушунчаси барча ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олган, барча яхши сифатлар йиғиндисидир. Фаробий ибратли жамоанинг ташкил топиши, бахтга эришиш учун етук ва мукамал инсонларнинг бўлиши, инсонларнинг фаровон ҳаёт кечириши, уларнинг ўзаро меҳрибон, бир-бирига дўст бўлишлари лозимлиги, мамлакатда илм- фанни ривожлантириш, тарбияни кучайтириш, ахлоқ-одобни юксалтириш зарур, деб билади, фозиллар шахри ҳокими мучали соғлом, фаросатли, нозик табиатли, ўткир хотирали бўлиш билан бирга, чиройли гапириши, билим- маърифатли бўлиши, очкўзлик, ёлғончиликни, жафо-зулмни ёмон кўрувчи, жасур, қобилятли бўлишини орзу қилади. Айтиш мумкинки, Фаробий ифода этган фазилатларни боғча ёшиданок сингдириб бориш келажак авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Чунки унинг фикрича, "Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир", шу сабабдан одамлар тинчликда яшамоқлари лозим", "бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ қудратли халқдир".

Абу Наср Фаробий "Афлотун қонунларининг моҳияти" асарида гўдак болалар тарбиясига алоҳида диққат қилади, гўдакларда ҳунар ўрганишга иштиёқ кучли бўлгани туфайли, уларга ҳунарни ўйин орасида ўргатишни маъқуллайди,

болаларнинг ўйин орасида эшик ва уйларнинг қандай ясалишини билиб олишини ва кейинчалик шу ҳунарни ўрганиб олишини таъкидлаб, бунинг учун болалар нарса, воқеа- ҳодисаларни кўриши, кузатиши, машқ қилиши, такрорлашлари лозим, деб билади.

Шунингдек, Фаробийнинг юқоридаги асарида нутқ, унинг моҳияти, сўзнинг кучи, сўзамоллик, нотиклик фазилати ҳақидаги: "Нутқни эшитувчининг вазифаси том маънони тўғри ва соғлом фикрлаб, чуқур ўрганиб олишдан иборатдир",- деган фикри нутқни тинглашни билишда муҳимдир. Демак, Абу Наср ал-Фаробий фикрича, муносиб инсон бўлиш учун инсон таълим-тарбия имкониятларидан фойдаланиши, тарбиячи эса ўз шогирдларини бахтга эришиш йўллариини излашга тайёрлаши лозим, бу ишда "ортиқча қаттиққўллик ҳаддан ташқари юмшоқлик қилмаслик зарур, чунки шафқатсизлик тарбиячига нисбатан нафрат уйғотади, мулойимлик эса тарбиячини ҳурмат қилмасликка олиб келади, инсонни жамиятдан ажралган ҳолда тарбиялаб бўлмайди, у ахлоқий камолотга дўстлари, ўзига ўхшаган кишилар даврасида эриша олади, шундагина болалар ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқли бўладилар,"- деб таъкидлайди.

Х аср охири XI аср бошларида яшаган буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино (980-1037) 18 ёшида буюк олим бўлган. У 300 дан ортиқ илмий асарлар ёзган, ўз асарларида инсон, унинг камолоти ва тарбиясига асосий ўрин берган. Ибн Синонинг "Донишнома", "Тиб қонуни", "Хайя ибн Яқзон", "Ҳидоят", "Тадбири манозил" ва бошқа асарларида таълим-тарбияга доир ғоялари ва қарашларини ифода этади. Ибн Сино тарбияни ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, нафосат, тарбияси нутқий баркамолликнинг мажмуаси деб билади, бола тарбиясига алоҳида диққат қилади, У ўзининг "Тиб қонуни" асарида боланинг соғлиғини сақлашнинг асосий омили жисмоний машқ эканлигини айтади. Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни етарли бажариш, айниқса, нутқий нафас олиш, овозни йўқотмаслик, ёмон хулқли бўлмаслик зарур деб билади: "Агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради", "Хулқнинг мўътадиллиги натижасида нафс ҳам, бадан ҳам соғлом бўлади", "Шунинг учун салбий ҳислатларни тузатиш лозим, бунинг учун болани ҳар томонлама ўрганиш, жисмоний машқларга кенг ўрин бериш,-" зарур деб билади.

Унинг фикрича, "Тарбиядан мақсад- боланинг ақлий ва жисмоний қувватини оширишдир".

Ибн Сино "Тадбири манозил" асарида болаларнинг мактабда гуруҳ бўлиб, биргаликда ўқишини маъқуллайди, бунинг уларда ўқишга қизиқиш уйғотиши, фанни эгаллашга ёрдам беришини таъкидлайди: "Гуруҳ бўлиб ўқитиш жамиятга катта фойда келтиради", "Ўзаро суҳбатда ўқувчилар бир-бирига китобдан ўқиб олганларини, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар, бахслашадилар, бир-бирларини ҳурмат қиладилар, дўстлашадилар".. "Яхши одобларни қабул қиладилар"¹.

Ибн Сино, айниқса, оилада бола тарбиясига эътибор беради: "Агар оилада тарбиянинг яхши усулларида тўғри фойдаланилса, оила бахтли бўлади". "Сиз гаплашганда, фикрлашувда хайрихоҳлик талабларига риоя қилган ҳолда иш кўрсангиз, йўлдан адашмайсиз, тўсиқларга дуч келмайсиз"-, деб таълим-тарбия усуллари тавсия этади.

Шунингдек, унинг фикрича, касалдан янги турган кишининг давоси ширин суҳбатдир. "Ширин суҳбат қуриб доим дил шодон қил. Майлинг бўлсин дилкаш улфат-ла ҳандон қил"², деб таъкидлайди.

Ўрта аср алломаларидан бири Унсурулмаолий Кайковус бўлиб, у "Қобуснома" асарини 1082-1083 йилларда ўз ўғлига бағишлаб ёзади. "Қобуснома" 44 бобдан иборат бўлиб, ота-онани ҳурматлаш ва эъзозлаш, ҳунар ўрганиш, фарзанд тарбиялаш, илм олиш, дўст тутиш, ростгўй бўлиш, суҳандонликни эгаллаш каби насиҳатлардан иборатдир.

"Қобусномада" ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш фарзанд бурчи эканини таъкидлаб, "ота-онага иззат-ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сенинг ҳақингдаги дуоси шунча мустажоб бўлур", - "Эй фарзанд, билгилким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат-ҳурмат қилиш вожибдур"-, дейилади.

Қобусноманинг 6-боби ҳунар эгаллаш ҳақидаги насиҳатлардан иборат бўлиб, унда ҳунарнинг инсон ҳаётида зарур эканлиги, ҳунарли бўлишнинг фойдаси ҳақида фикр юритилади: "Ҳунарли киши юқори мартабали, эл орасида иззатда бўлур", "Ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур, ҳеч кимга наф еткурмас"лиги таъкидланади.

Кайковус барча ҳунардан сўз ҳунарини юқори қўйиб, ширинсўзлик, мулойимлик билан сўзлашни насиҳат қилади: "Барча ҳунардан сўз ҳунари яхшироқдир"... "тилингни яхши

¹ Ибн Сино "Тиб қонуни" Рўзғор юритиш ҳақида рисола. Тошкент, 1981 й., 1 т 86-бет.

² Абу Али Ибн Сино 103 бет.

хунарга ўргатгил ва мулойим сўздан бошқа нарсани одат қилмагил", ... Қаттиқ сўз демагил, яхши сўз дегил, токи яхши сўз эшитгайсан".

Суҳандонлик - (нотиклик) ҳақида фикр юритиб, Кайковус суҳандон бўлиш учун ростгўй бўлиш лозим, деб билади, сўзни буюк билиш, уни андиша, товозе билан айтиш, ёлғон, совуқ сўзли бўлмасликни насиҳат қилади: "Эй фарзанд, сен суҳангуй бўлгил",... ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонгил", "ҳар сўзни андиша билан бошлагил", "совуқ сўзлик бўлмагил", "Сўзни бағоят улуғ билгил... ул ҳар нарса эмас", чунки "барча дониш ва хунарнинг сармояси: адаб, товозе, ҳаё, покдиллик, беозорлик, сабр ва матонатдир".

Буюк мутафаккирлардан бири Абу Райхон Беруний (973-1051) форс ва араб тилларини чуқур ўрганган олимдир. У ўзининг "Ўтмиш ёдгорликлари", "Минерология", "Ҳиндистон" каби нодир асарларида таълим-тарбия ҳақида фикр юритиб, инсоннинг кадр-қимматини улуғлайди, ақлли, одобли бўлиш, илмни эгаллаш, яхши одатларни билишни тарғиб қилади: "Инсон ер юзида яратилганлар орасида энг мумтозидир"-, дейиш билан инсоннинг ақл-заковати, ахлоқий сифатларини улуғлайди. У яхши одатларга тўғрилик, одиллик, инсоф, сахийлик, камтарлик, лутф, мулойимлик, ақллилик, собитқадамлилик, илмни эгаллаш ва меҳнатсеварлик кабиларни киритади, "Ақлнинг энг яхши ёрдамчиси- фикр ва табиат, инсонга ақл-заковат кучи инъом этилган", инсон исталган нарсага меҳнат орқали эришади", - деган хулосага келади.

Беруний ўзининг "Минерология" асарида юқоридаги фикрни ривожлантириб "мулозамат, раҳмдиллик, қатъият, сабр-тоқат ва камтарлик инсонни безайди", "Ахлоқий мукамал киши лаззат меъёрини билади", "Ростгўйлик лаззатини тотмаган киши уни севмайди", "Тенглик ҳукм сурган жойда ғам- ғусса бўлмайди", - дейди. Шунингдек, Беруний илм эгаллашнинг фойдаси, одамгарчиликни ифодалаб: "Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир", "Билимсиз кишининг кўнгли хурофотга мойил бўлади", "Хайр-саҳоват ҳам мардлик саналади" каби ҳикматларни баён этади.

Беруний ўзининг "Ҳиндистон" асарида тилнинг ижтимоий моҳияти, алоқа воситаси эканлигини, нутқ орқали илмни эгаллаш мумкинлигини қуйидаги фикрларида ифодалайди: "Тил сўзловчининг истагини эшитувчига етказувчи таржимондир", "Ақлга мос келадиган нутқ қувватини эгаллаш билан ҳам илм ҳосил бўлади".

XI-XII асрда сўз санъатига катта ҳисса қўшган адиб Аҳмад Югнакий ўзининг "Ҳибат-ул-ҳақойиқ" (Ҳақиқатлар совғаси) асарини яратди. Асарнинг айрим боблари одоб, ахлоқ, панд-насихатлардан иборат бўлиб, инсонпарварлик, дўстлик, адолатли, саховатли бўлиш, кишиларга яхшилик қилиш, шафқатли бўлиш, камтарлик, гуноҳни кечира олиш каби ахлоқий сифатларни улуғлайди. Ёшларга "шафқатсиз киши мевасиз дарахт кабидир", ёмонлик қилган кишига сен яхшилик қил", "Одобли бўлишга ёндашиб, ўзингни камтар тут, яхши киши қўлидан ёмонлик келмайди",- каби қимматли насихатлар қилади.

Аҳмад Югнакий ўз асарида "Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир", "Сўзинг аччиқ (бўлса), тилингни тийиб тур", "Сўзни уқиб сўзла, шошиб гапирма", дейиш билан рост ва чиройли сўзлашни, ҳар бир сўзни ўйлаб, ўз ўрнида қўллашни, шошмасдан, мазмунли сўзлашни, нутқ одобига риоя қилишни тарғиб қилади. Шунинг учун ҳам унинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари адиб сўзи билан айтганда : "Ҳар бир сўз тўлатиб ёзилган, кераксиз, юзаки сўз ташлаб юборилган "нодир, тансиқ китобдир", у ёшларни, болаларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

XI асрда яшаган буюк мутафаккирлардан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг бизгача етиб келган дурдона асари – "Қутадғу билиг" ("Бахт-саодатга эриштирувчи билим") дир. Асарда энг яхши инсоний фазилатлар ҳисобланган адолат, ақл-заковат, қаноат асар қаҳрамонлари сифатида рамзийлаштирилган, унинг бир неча боблари ахлоқ-одоб, ақл-заковат, инсонийлик, адолат ҳақида бўлиб, ақл-идрок, инсоннинг улуғлиги илм туфайли эканлиги ифода этилади, фарзандга илм, одоб, ҳунар ўргатиш тарғиб қилинади:

Ўғил- қизга ўргат билим ва одоб ,
Бахтга ёр бўлар, у бўлмагай хароб.
Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим кимда бўлса, буюклик бўлар.

Адиб билимли кишиларнинг ақл-идрокли бўлиши, ўз мақсадига етиши, ҳар вақт бошқаларга фойдаси тегишини ифодалаб шундай ёзади:

Ўқув қут беради, билим шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир инсон.
Билимли заколи, етук - нуқсон йўқ
Қўли очик бўлса, кўзи, кўнгли тўқ

Шунингдек, "Кутадғу билиг" асарида кишига бахт-саодат, яхшилик ва эзгулик тил туфайли насиб этиши, шу сабабли ҳар бир киши ўз тилига эътибор бериши нотўғри, ёлғон сўзламаслиги, кўп гапириш ҳам одобдан эмаслигини қуйидаги мисраларда ифодалайди:

Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз - бу бошни этади эгик
Тилингни авайла-омондир бошинг,
Сўзингни авайла - узаяр ёшинг

Юсуф Ҳос Ҳожиб оилада ўғил-қизни тарбиялаш, уларга одоб-ахлоқ, ҳунар ўргатишни ёшликдан бошлаш, уларда яхши, гўзал хулқни тарбиялаш, илмни ўргатиш, қабиларни баён этади, саломлашиш одоби, унинг моҳиятини қуйидагича таърифлайди:

Омон бўлди элга салом берувчи,
Саломатлик топди алик олувчи.
Салом бўлди одам тинчига гаров,
Соғлиқ олар салом билан қолувчи.

Адиб хушхулқлилик ҳақида эса қуйидагича фикр юритади:

Хулқи андишали, хуш бўлган одам
Ёвуз, ёмон ишга қўймайди қадам.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Юсуф Ҳос Ҳожиб ўз асарида инсон камолоти, унинг ахлоқ-одоби қирралари ҳақида фикр юритади, инсоннинг яхши сифатларини ҳаётий тажрибалари асосида жозибали ифода этади. Шу боис мактабгача таълимдан бошлаб болаларга асарда ифодаланган ғояларни тушунтириш, шеърини мисраларнинг мазмунини ёшига мос тарзда ифодалаш лозим.

Маълумки, бобомиз Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан И.Каримов ташаббусига кўра 1996 йил "Амир Темури йили" деб белгиланди.

Амир Темури бобомизнинг 660 йиллиги Республикамиздагина эмас, кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам катта тантана билан нишонланди. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Соҳибқирон Амир Темури Туркистонда озодлик, истиқлол учун, миллат

мустақиллиги учун курашувчи, халқ фаровонлигини, юрт ободлигини таъминловчи, адолат ва ҳақиқатни амалга оширувчи, инсонларга яхшилик, эзгулик қилувчи буюк шахс сифатида дунёга келгандир. Шу сабабли ҳам Амир Темур шахси барча кишилар, миллатлар учун, айниқса, Республикамиз ёш авлоди учун ибрат намунасидир. Чунки унинг "Таржимаи ҳол"и ва "Тузуклари"да баён қилинишича, Амир Темур бобомиз ёшликдан бақувват, қўрқмас, ботир бўлганлар, ўткир зеҳнли, идроки ва хотираси кучли бўлган, найзабозлик, қиличбозлик, камондан ўқ отиш санъатига қизиққанлар, уни мукаммал эгаллаганлар. Айниқса, бобомизда ғайрат-шижоат, салтанатни бошқариш ҳисси кучли бўлган. Шу сабабли 12 ёшли Амир Темур ўз тенгқурлари билан ўйнаганда, ҳар бир болага бирор мансаб бериб, давлатни бошқариш тартибини ўрнатган¹: болаларни вазир, баковул қилиб тайинлаб, ўзи амир вазифасини бажарган, у ўйин орқали тенгдошларига давлатни бошқариш, жанг қилишни ўргатган.

Амир Темур бобомиз ёшлигидан очик қўл, сахий бўлиб, бошқаларга яхшилик қилишни ёқтирганлар, 14 ёшли Амир Темур Баёнқулихон аскарлари билан уч кун давомида куч синашиб ғолиб чиққанлар. Ғолиблик учун хон томонидан унга инъом қилинган 10000 олтин тангани ўша куни кечгача одамларга ҳадя қилиб берганлар². Амир Темур бобомизнинг бу хусусиятлари умрларининг охиригача янада такомиллашиб боради. "Темур тузуклари"да тасвирланишича, Амур Темур билимдон, адолатли ва ҳақиқатгўй, етук давлат арбоби, уддабурон, тадбиркор шох, лашкарбоши, халқпарвар, инсонпарвар, ўз халқи ва ўзга халқларни, Ватанни севувчи, уни кадрловчи буюк инсон бўлганлар. "Темур тузуклари" асарида бобомиз келажак авлод, тож-тахт ворисларига ўз номидан насиҳат қиладилар, инсонни улуғлаш, инсонларга яхшилик қилиш, халқ ғамини ўйлаб, адолат билан иш тутиш, раҳмдил, хушмуомала бўлиш каби ахлоқий сифатларни улуғлаганлар. Амир Темур ўзи ҳақида: "Ҳеч кимга қаттиқ муомала қилмадим, ҳеч бир ишда танглик қилмадим", "Улуғларни ота қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим", "Яхшиларга яхшилик қилдим,-"³ деб ёзган.

Амир Темур инсоф- иймон бутунлигига, диний амалларни, пайғамбар ҳадисларини мукаммал бажаришга интилан, шафқат,

¹ М.Қурбонов. Соҳибқироннинг болалиги. "Халқ таълими", 1996, №2., 17-бет

² М.Қурбонов. Соҳибқироннинг болалиги. "Халқ таълими", 1996, №2., 18-бет

³ Б.Ахмедов. "Темур тузуклари." Тошкент, 1991, 8-55 бетлар

мурувват, адолатни юксак даражада адо этган: "Доимо иймон-инсоф билан иш тутдим. Сайидлар, уламою машойихлар, оқилу доно одамлар иззат-хурматини жойига кўйдим" "Дин, иймон ишларини бу дунё ишларидан устун кўйдим" "Шафқат, мурувватим билан энг паст табақа одамлари, мискин – бечораларнинг ҳам меҳрини қозондим", "Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим". "Ҳеч қачон бойни камбағалдан афзал кўрмадим, барчага бирдай қарадим",- каби фикрлари барча учун ибратдир.

Буюк сохибқирон инсонларга раҳм-шафқат кўрсатган, очик юзлилик билан муомалада бўлган, ҳеч кимдан ўч олмаган, гина сақламаган. Амир Темур ўз "Тузуқларида:" "... очик юзлилик, раҳм, шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим". "Адолат билан иш юритиб жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим,"-деб ёзади¹

Амир Темур дўстлик, қадрдонликни, ҳурмат билан эъзозлайди:"...содик ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди", "... ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ бўлади", "Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим" "Ўз фарзандларим, кавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим"² "Барча саъй-ҳаракатларимда умумхалқ фойдасини кўзладим, сабабсиз ҳеч кимнинг кўнглини оғритмадим"³

Амир Темур ота сифатида фарзандларни, гўдаклик чоғидан меҳрибонлик билан тарбиялашни талаб этган: "У чақалоқларни йиғлатмангиз, бу гуноҳи азимдир, бу гуноҳни Оллоҳ ҳам кечирмайди", - дейди. Амир Темур ва унинг даврида фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор берилган. "Амир Темур саройидаги болалар – шахзодалар тўрт ёшидан бошлаб ўқитилган. Дастлаб савод ўргатилган, кейин 4-8 ёш орасида уларга махсус қиссахонлар... халқ қиссаларини, дostonларини айтиб берганлар, болалар қаҳрамонлик, ботирлик, поклик руҳида тарбияланганлар",⁴ уларнинг зеҳни, идрокининг шаклланишига эътибор қилганлар.

Бундан ташқари, саройда болаларга "давлатни идора қилиш санъати ўргатилган, улар турли лавозим эгаларини тайинлашда, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртдан

¹ Б.Ахмедов "Темур тузуқлари", Тошкент, 1991, 53-64 бетлар

² Б.Ахмедов Темур тузуқлари. Тошкент, 1991 56-бет

³ Амир Темур ва Зайниддин Мактабгача тарбия N 9-12 1995. 23-бет

⁴ Мактабгача тарбия. 1993.9-10, 10 бет

келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича кўникма эгаллаганлар"¹

Амир Темур "Тузуқлари"да баён қилинишича, Амир Темур кенгаш ва қабул маросимларида унинг фарзандлари, ўғиллари, қариндошлари иштирок этганлар, уларнинг ўтириш жойлари ҳам белгилаб қўйилган: "Амр этдимки, ўғилларим, набираларим ва қавм-қариндошларим ўз даража ва мартабасига яраша худди ой кўрғонлагандек, салтанат тахтини ўраб ўтирсинлар".²

Бу билан Амир Темур давлатни бошқариш ишларини ҳам болаларга ўргатиб борган, ким билан қандай муомала қилишни тарбиялаган.Кўриниб турибдики, Амир Темур бобомиз ҳаёти, болалик даври хислатлари, давлатчиликка доир тамойиллари миллий ғоя, миллий мафкурамизнинг амалий негизи бўлиб, халқимизнинг миллий менталитетини ҳам ифода этади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) улуг шоир, олим ва давлат арбоби бўлиш билан бирга турк, форс, араб тилларини мукаммал билган, одоб, ақл-заковат ва зеҳнда улуг бўлганлар. Темурийлар даврида яшаб ижод этганлар.

А.Навоий ўзининг "Хамса" асарига кирган "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Хайрат –ул-аброр", "Сабаъи Сайёр", "Садди Искандарий" дostonларида "Хазойинул маоний" "Махбубул қулуб" каби асарларида, ғазал ва рубоийларида таълим-тарбия ҳақида нодир фикрлар айтганлар. Навоий асарларидаги таълим-тарбия ғоясининг негизи инсон ва унинг камолотини ифода этишдан иборат бўлиб, уларда инсоний фазилатлар: инсонпарварлик, одамийлик, дўстлик, биродарлик, ўзаро ёрдамлашиш, меҳр-оқибатли, хайр-эҳсонли бўлиш ҳақида, одобли-аҳоқли, инсоф-диёнатли бўлиш, сабр-тоқат, қаноат, камтарлик ҳақида чуқур фалсафий фикр юритилади. Алишер Навоий ўзининг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" дostonларида оила, қариндош ва биродарлар орасидаги дўстликни, айниқса, халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этади, дўстлик халқнинг буюк фазилати деб билади, уни Фарҳод, Ширин, Шопур образларида ифода этади. Адиб халқни ўйламаган, унинг ғамини емаган, халққа ёмонлик қилган кишиларни энг ёмон киши сифатида қуйидаги мисрада таърифлайди.

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они,

¹ Б.Ахмедов. Улугбек. (Эссе), - Тошкент, "Еш гвардия", 1989.- 256 бет,

² Темур тузуқлари. Тошкент, 1991. 90-бет

Аҳволида идбор нишони бил они ,
Феъл ичра улуг балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон, ёмони бил они.

Халойикқа кўрма қилиб бенаво,
ўзингга қилмагани раво

Шунингдек, бобомиз Алишер Навоий ўз асарларида илмли бўлиш, илмга интилишни юксак фазилат эканлигини, илмни осонликча эгаллаш мумкин эмаслигини, илмли бўлиш учун тинмай ҳаракат қилиш, илмли кишилардан сўраб ўрганиш зарурлигини ифода этади, илм қанча кўп бўлса, шунга фойдали, деб таъкидлайди.

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Алишер Навоий Фарҳоднинг кўп илмларни эгаллагани учун ҳам у ақл-заковатли, камтар, меҳнатсевар ва ҳунарли бўлиб етишганини, ўз илми ва ҳунарини халқ манфаати, бахт-саодати учун сарф қилганини ёшларга ибрат сифатида тасвирлайди:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб тасхиқини касб этмаган илм.
Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб туфроққа му кетгумдир охир.

Алишер Навоий асарларида илмли бўлиш учун она тилини пухта билиш лозимлиги, шу билан бирга кўп тилларни билиш ҳам муҳим эканлигини илмли кишилар фақат ҳунар ва илмда эмас, балки ахлоқ-одобда ҳам олижаноб бўлишлари, улар тўғри сўз, сўзамол бўлиб ҳамиша ўз нутқи ва ўзгалар нутқиға эътиборли бўлишларини, чин сўзли эканликларини ифода этилади. "Тилга эътибор, элга эътибор" деган хулоса қилинади. А.Навоий қуйидаги фикрлари орқали ростгўйлик, тўғрисўзликни ифода этади: "Кишининг сўзи тўғри бўлса, унинг ўзи ҳам тўғри бўлади", дейиш била ёлғон гапиришни, сўзлашда хато қилишни қоралайди". Чунки

"Чин сўз- мўътабар, яхши сўз- мухтасар"¹дир. Алишер Навоий инсонга яхшилик қилишни улуғлаб, ширинсуханлик, ширин сўз бўлиш ҳам, яхши сўз айтиш ҳам бошқаларга яхшилик қилиш эканлигини айтиб, агар сен бирор кишига яхшилик қилишга ҳеч нарса тополмасанг, яхши сўз айтиб унинг кўнглини равшан қилгил деб насиҳат қилади:

"Хушгўйким, сўзни рифқ ва мувасо билан айтгай, кўнгулга юз ғам келатурғон бўлса, анинг сўзидин қайтгай. Сўздадир ҳар яхшиликнинг имкони бор", дейиш билан хушсўз бўлиш, нутқда ортиқча дағаллик қилмаслик ноўрин сўз қўлламасликни, фикрни аниқ баён қилишни тарғиб қилади.

Яхши сўз бирла хожат аҳлини сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа .
Не учун ким Расул қавли билан
Яхши сўз бордир айлаким садақа.²

Алишер Навоий ижодида фарзанд тарбияси муҳим ўрин эгаллайди, ота-она ўз фарзандининг тарбиясига масъул бўлиши, фарзандларини одобли, ахлоқли, ақлли, илмли қилиб тарбиялашларини, болаларнинг эса ота -она олдидаги бурчларини, ота-онани ҳурмат қила билишларини, ота-онани эъзозлаш, ҳурматлаш, улар хизматини доим бажо келтиришлари зарурлигини таъкидлайди, унинг фикрича:

Оналарнинг оёғи остиндадир
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолини истар эрсанг,
Бўл анонинг оёғин тупроғи³

Ушбу мисраларда Навоий фарзандга ота-онани бир хил ҳурмат қилишни, уларни эъзозлашни тарғиб қилади.

Бири эрур макрумати волидайи,
Билки, бунинг ўқилмоғидир фарзи
Иста ота йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ онога ҳам унга имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ ,

¹ А.Навоий "Махбуб-ул кулуб" Педагогика тарихидан хрестоматия. Тошкент, 1993, 69-70 бетлар

² А.Навоий. Арбаин. Педагогика тарихидан хрестоматия. Тузувчи: О.Хасанбоева Т, 1993 70-бет.

³ А.Навоий. Педагогика тарихидан хрестоматия . 1993. 70-бет

Бил они ота-онога эхсон қилмоқ.¹

Бошни фидо айла ото қошига ,
Жисмни қил садқа оно бошига.
Тун-кунингга айлагани нури фош
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.(3)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) отаси Мирзо Умар Шайх ҳукмронлик қилган Фарғонада туғилади, аммо отасидан жуда эрта етим қолади. Умар Шайх вафот этганда Бобур ўн икки ёшга хали тўлмаган эди. Бобур ўзининг тарихий асари бўлган "Бобурнома"да таъкидлашича, у ўн икки ёшда подшоҳ бўлган. Ёш бўлишига қарамай Бобур истеъдодли ҳукмдор, ақл-заковатли шоир бўлиб етишди. У ёшлигидан илм-маърифатли кишиларни жуда кадрлар, ўз замондошлари асарларини кунт билан мутолаа қиларди. Бобур "Бобурнома" асарини ёзиш билан бирга кўплаб ғазал, рубоийлар ёзган, ўз асарларида инсоннинг маънавий баркамоллиги, яхшилик, меҳр оқибат, Ватанга муҳаббат каби ғояларни илгари суради. У ўз отаси Умар Шайхни покиза, эътиқодли, илмли, саховатли, хушхулқ, ширинсўз, мард киши сифатида таърифлайди, унинг мисолида инсоний фазилатларни улуғлайди, барча инсонларнинг юқори маънавият эгаси бўлишини орзу қилади. Бобур инсонларга яхшилик қилиш инсон учун энг яхши фазилат деб билади, бунинг учун у яхши хулқ-одоб эгаси бўлиши, ҳаётда яхши ном қолдиришга интилиши лозимлигини ўз ғазалларида ифода этади:

Хулқингни рост этгил ҳар сориғаки борсанг,
"Ахсанта"дир бори эл, гар яхши от чиқарсанг.
Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ.
Ким дегайлар даҳраро, қолди фалондин яхшилик.

Бобур ўз ғазалларида кишиларни ростгўй бўлиш, тўғри, ҳалол, соф кўнгил бўлишга, ҳаётни қадрлашга, хайр-саховатли бўлишга ундайди, ёлғон сўз ёмон оқибатларга олиб келишини айтади:

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз наҳр бирл хитоб этарсен.
Гар ёлғон бўлса, охир эй дўст
Шарманда бўлурсен, охир эй дўст.

¹ А.Навоий. Хайратул-аброр Т 1989.76-77-бетлар.

Бобур ижодидаги асосий ғоялардан бири Ватан иштиёқи, Ватан туйғуси, уни севиш ва ардоқлаш, Ватанни соғиниш, унинг ишқи билан ёниш кабилар бўлиб, у она юрт гўзалликлари, нозу неъматлари, халқнинг урф-одатларини, мухаббатини кўмсайди, Ватандан узоқда бўлишликни ғарибликда яшаш деб билади:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши.
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, ох,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Толе йўқки, жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишни айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни кўюб Ҳинд сори юзландим.
Ё раб нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бобурнинг ушбу ғазаллари ёшларни Ватанни севиш, ватанпарварлик, ростгўйлик руҳида тарбиялашда ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Буюк аллома форс тилида ижод этган ёзувчи Саъдий Шерозий (1184-1292) ўзининг "Бўстон" (1257) ва "Гулистон" (1258) асарлари, ғазаллари, рубоий ва ҳикматли сўзлари билан машҳур бўлган. У ўзининг "Бўстон" асарида инсонни, инсоний фазилатларни улуғлайди, инсонларни ўзаро дўст бўлиши, меҳрибонлик қилиши, бир-бирларига яхшилик қилиши, ҳимматли бўлишини орзу қилади. У ўзининг ғазалларида яхшилик ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Халқ дилин оғритма бориша имкон,
Илдизин қўпориб, бўлма пушаймон.¹

Яхшилик қилган ҳеч кўрмас ёмонлик,
Ёмон ўз жонига топмас омонлик.²

Кимда ҳиммат бўлса, унда ақл бор,
Ҳимматсизда на хуш ва на ақл бор.

Яхши ишга келур яхшилик жавоб,
Яхшининг бошига егилар савоб.

¹ Саъдий Шерозий шеърятидан. Форсчадан Шоислом Шомухамедов таржимаси. "Бўстон", Т, 1-бет.

² Ўша асос Т, 9,29-бетлар

Саъдий Шерозий кишиларни ҳалол меҳнат қилишга ундайди:

Ўз меҳнатидин нон еган киши.
Хотам миннатидан озод ёд-киши.

Саъдий Шерозий "Бўстон" асарида инсонларни ширинсўз бўлиш билан бирга ўзгаларнинг ишига бевақт аралашмасликка чақиради, бунинг ёмон одатлигини айтади:

Сўз гарчи дилкаш ва ширин бўлур,
Мукофоти тасдиғу, таҳсин бўлур.

Эй оқил, сўзнинг ҳам бош- оёғи бор
Ўзга сўзга сўзин қистирма зинҳор.¹

Буюк аллома ростгўйлик, тўғри сўзлилиқ кишига лутфу карам келтиради, деб ҳисоблайди, ҳамиша рост сўзлашга ундайди.

Гапинг чинлигини яхши билмасдан,
Оғзинг очиб, асло сўзга урма дам.

Ёлғон сени банд қилса ҳам холис,
Рост гапиргил, агар бандда қолсанг ҳам.²

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, буюк аждодларимизнинг таълим-тарбияга доир фикрлари, ўғитларини мактабгача таълимдан бошлаб ўргатиш улар нутқини ўстириш билан бирга болаларнинг одоб-ахлоқли этиб тарбиялашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам мактабгача таълимда “Учинчи мингйилликнинг боласи “ таянч дастурига кўра кичик гуруҳдан бошлаб буюк сиймолар билан таништириш машғулотларини ташкил этиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, тарбиячи буюк мутафаккирларнинг асарларида ифодаланган тил, сўз, нутқ, нутқ одоби ҳақидаги фикрларни пухта билиши, уларнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур англаб олиши болалар ёш хусусиятларини, тушуниш қобилиятларини назарда тутган ҳолда машғулотларни ташкил этиши лозим бўлади.

¹ Саъдий Шерозий шеърятдан III. Шомухаммедов таржимаси. Гулистон. М.1976 йил. 105-бет

² Ўша асар. 126-бет

Ушбу услубий қўлланмада буюк мутафаккирларнинг тил, сўз, нутқ, ҳақидаги қарашлари, уларнинг инсон ҳаёти, жамият тараққиёти, мактабгача таълим ёшидаги болалар нутқини ўстиришдаги аҳамиятини ёритишга аҳамият берилди. Шунингдек, мактабгача таълимда буюк сиймолар билан таништириш, тарихий ёдгорликлар билан таништириш машғулотларини ташкил этишга аҳамият берилди.

Буюк мутафаккирлар, тарихий ёдгорликлар билан таништириш машғулотларини ташкил этиш усуллари

Болалар боғчасида таълим-тарбия ишларининг асосий шаклларида бири машғулот бўлиб, унда болаларни буюк мутафаккирлар ҳаёти, ижоди, уларнинг асарларидан парчаларни ўргатиш, буюк боболаримизнинг ўғитлари, насиҳатларини, улар ҳақидаги ривоят, ҳикояларни ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай машғулотлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, аввало, болаларбоп матн, насиҳат, ўғитларни танлаш муҳимдир.

“Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч Дастурига кўра мактабгача таълимнинг барча гуруҳларида теvarак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, бадиий адабиёт билан таништириш машғулотлари ташкил этилади. Жумладан, кичик, ўрта гуруҳлардан бошлаб Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сиймолари акс этган расмларни кўрсатиш орқали улар билан таништирилади.

Ўрта, катта гуруҳларда Шарқнинг буюк мутафаккирлари: Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Камолиддин Бехзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби боболаримиз сиймолари, билан таништириш мўлжалланган. (2) Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиши шароитида маънавиятимиз, қадриятларимизни кенгроқ ўрганиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш тарбиячилар олдидаги энг муҳим вазифадир. Чунки Республикмиз Президенти И.Каримов нутқлари, асарларида айтилганидек: "Маънавияти юксак, одоб-ахлоқли, маърифатли кишилар элим-юртим деб яшайди".

Шу нуқтаи назардан қараганда маънавиятимиз илдизлари бўлган буюк мутафаккирларнинг ахлоқ-одоб, маънавий баркамоллик ҳақидаги ўғитлари, насиҳатларини боғча ёшидан бошлаб ўргатиш, улар ҳаётини болаларга ибрат қилиб кўрсатишни янада кенгроқ амалга ошириш лозим.

“Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч дастурига кўра мактабгача таълимнинг барча гуруҳларида буюк сиймолар билан таништириш мавзулари берилган. Биз ўз тажрибаларимиз асосида катта ва тайёрлов гуруҳларида буюк сиймолар билан таништиришда қуйидагиларни ҳам тавсия этиш лозим, деб ҳисобладик:

1. Алишер Навоийнинг ёшлиги.¹
2. Алишер Навоий сиймоси.²
3. А.Навоийнинг "Нон ҳиди" ҳикояси.
5. А.Навоий бобом сабоқлари.
6. "Бир кабутар" ҳикояси.³
7. Навоийнинг "Шер ва дуррож" ҳикояти.⁴
8. Абу Райҳон Беруний сиймоси билан таништириш.⁵
9. Улуғбек бобом менинг (ёшлиги билан таништириш).⁶
10. Улуғбек ҳақида ҳикоялар- "Ишоратда-башорат"
11. Ибн Сино-буюк табиб.⁷
14. Ибн Сино ўғитлари.
15. Камолиддин Бехзод-буюк мусаввир.
16. Таърифдан баланддир.⁸
17. Юсуф Хос Хожиб "Баҳор мадҳи"⁹
18. Ўқув идрок-билим бойлик.¹⁰
19. Амир Темурнинг болалиги.¹¹
20. Соҳибқирон бобом менинг.
21. Бобур ва Ватан соғинчи.

Катта ва тайёрлов гуруҳларида буюк сиймолар, мутафаккирлар, уларнинг ҳаёти, ўғит-насихатлари билан таништириш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, болаларга тушунарли бўлган, ёшига мос келадиган мавзу ва матнларни танлаш, уни энг қулай усулда ўргатишни талаб этади, болаларнинг қизиқишлари, уларнинг ҳам иштирок этишларини таъминлайдиган усулни қўллаш лозим бўлади.

¹ Ойбек. Алишернинг ёшлиги қиссасидан парча.

² Махмуд Музаҳхаб ишлаган сурат. Т.Саъдуллаева, М.Т.1993. 9-10.

³ А.Навоий "Садди Искандарий" Т.,1978, 2-бет.

⁴ А.Навоий. "Хайратул-аброр", Т.,1984, 287-бет.

⁵ Абу Райхон Беруний. 100 хикмат

⁶ А.Ахмедов, Улуғбек. Т., 1991, 16-17-бетлар.

⁷ Ибн Сино "Тиб қонуни" асаридан парча. Педагогика тарихи христоматияси. Т. 1993 й. 37-39-бетлар.

⁸ Ойбек. "Навоий" романидан парча, Мактабгача тарбия ойнамаси. 1993 йил, 9-10, 30-31-бетлар

Навоийнинг ёшлик давридаги расми.

⁹ Юсуф Хос Хожиб."Кутадғу билик", Т.

¹⁰ А.Ахмедов "Улуғбек" Т. ,1991, 4-5 бетлар. "Халқ таълими" 1996, 2,17-бет.,

⁷ "Темур тузуклари", Й.Ахмедов таҳрири остида,Т.1994.

¹¹ Ал-Фаробий "Бахт-саодатга эришув. Педагогика тарихи 3, 1995, 107-бет.

Яъни буюк аллома Абу Наср Фаробий айтганларидек, „... амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат иш-ҳаракатни... ўрганиш орқали таълим-тарбия бериш фойдалидир. Шу сабабли тарбиячи машғулоти болалар фаолиятига мос шаклда ташкил этиши лозим.

Масалан, гуруҳ китоб бурчагида буюк мутафаккирлар болалик даври, ҳаёти, ижодига доир матнлар, расмлар, ривоят, ҳикоятлардан иборат кичик "Кутубхона", кўргазма ташкил этиш, боғчанинг барча гуруҳларида, мусиқа хонасида, гуруҳ ер майдончасида буюк боболаримиз яратган "боғ", "мадраса" ташкил этиш, бунда буюк сиймоларнинг расмлари, болаларбоп асарлари, шеърлари, асарларига чизилган расмлар, табиат бурчагидаги гуллар, ер майдонидаги дарахт, ўсимликлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, тайёрлов гуруҳида тарбиячи бобомиз Амир Темурнинг 1380-1399 йилларда Самарқанд атрофида яратган "Боғи шамол", "Боғи дилкушо", "Боғи майдон", "Боғи тилло" каби, Алишер Навоий яратган "Бинафша" боғи каби "боғ" ларни ташкил этиши, боғда "кутубхона", "қаср" ташкил этиши ҳам мумкин. Тарбиячи болаларни ушбу жойларга сайр қилдириши, "кутубхона" дан уларнинг асарларини болаларга кўрсатиш орқали болаларни буюк сиймолар билан таништириш яхши натижа беради.

Машғулоти

Катта гуруҳ. Мавзу: "Алишернинг ёшлиги"

Машғулоти мақсади: болаларга Алишер Навоийнинг ёшлиги, китобга бўлган муҳаббати ҳақида тушунча бериш. Машғулоти методи: ноанъанавий метод.

Машғулоти қуйидагича ташкил этилади.

Тарбиячи болалар диққатини гуруҳ китоб бурчагидаги расм ва китобларга жалб қилади:

Тарбиячи: болалар, китоб бурчагимизда бобомиз Алишер Навоийнинг ёшлик давридаги расми бор. Қани, расмини китоб бурчагидан топиб кўрайликчи. (болалар расмини китоб бурчагидан топиб кўрадилар).

Тарбиячи: болалар, қаранг бу расм Алишер Навоийнинг ёшлиги. Бобомиз ёшликдан нозик табиатли, мулойим бўлганлар, гулларни, қушларни жуда севганлар. У киши ҳаммага ширин сўз

бўлганлар, яхши сўз болдан ширин деганлар. Қаранг бобомизнинг ширин сўз, одобли, ақлли бўлганлари юзларидан сезилиб турибди.

Болалар: Мана бу расмда кимлар тасвирланган. Бу киши ким.

Тарбиячи: Бу расмда бобомиз Алишернинг отаси Ғиёсиддин. Навоий отасига ўқиш учун тоқчадан олган китобини кўрсатмоқдалар. Алишер бобомиз кичикликдан ўқишни жуда севганлар. Бобомизнинг ёшлик даврида қайси китобларни ўқиганларини билиш учун кутубхонага борамиз.(Тарбиячи олдиндан мусиқа хонасида ташкил этилган “кичик кутубхона” га болаларни таклиф этади.)

Тарбиячи болаларни кичик кутубхонага олиб боради. Болалар кутубхонадаги китобларни, буюк сиймоларнинг расмларини кўриб кузатадилар.

Сўнг болалар тарбиячи билан бирга тарбиячи томонидан ташкил этилган "Боғи шамол" боғига кирадилар. Болалар "боғ" даги дарахтлар, гулларни кўрадилар, кутубхонага кирадилар, китобларни кўздан кечирадилар.

Болалар: тарбиячидан мана бу китобнинг номи нима? мана бунисичи? Бу китобларни ким ёзган?, бу расмни ким чизган? каби саволларни берадилар.

Тарбиячи: Мана бу китоб бобомиз Алишер Навоийнинг "Хайрат-ул-аброр" асаридир. Мана бу севимли ёзувчимиз Ойбекнинг бобомиз ҳақида ёзган “Алишер Навоий” романидир.

Мана буниси бобомиз ёшликдан ёдлаб олган "Қушлар тили" китобидир, бу расм бобомизнинг ёшлиги.

Болалар, ҳозир мен сизга "Алишернинг ёшлиги” ҳақидаги киссадан парча ўқиб бераман.

Тарбиячи Ойбекнинг "Алишернинг ёшлиги" қиссасидан парчани ўқиб беради, мазмунини тушунтиради.

Навоий бобомиз болаликдан кўп китоб ўқиганлар, зеҳнлари ўткир бўлган, бир неча мисра ғазални, шеърни ёдлаганлар. У кишининг ўқишга қизиқиши кўпчиликти хайрон қолдирган. Бобомиз Фаридиддин Аттор деган кишининг "Қушлар тили" асарини ёд олганлар. Бобомиз она тилини яхши билганлар ва форс, араб тилини ҳам пухта ўрганганлар.

Бобомиз қушлар тилини тушунганлар. Мана бу расмда бобомиз қушларнинг сайрашини тинглаяптилар.

Болалар: Қушлар тилини қандай билганлар?

Тарбиячи: У киши қушларнинг сайрашидан, овозидан билганлар, айниқса, булбулнинг сайрашини ёқтирганлар. Бобомиз

ширин сўз, ширин гап бўлишни, рост сўзлашни ёқтирганлар, у киши "чин сўз-яхши сўз" "Яхши сўз юракка яқин бўлади" деганлар.

Тарбиячи: Биз ҳам бобомизнинг ўғитларига амал қиламиз. Биз ҳам ширин сўз, одобли бўлишимиз керак, мактабга боргач, китоб ўқишни билиб оласиз, ҳар ким кўп китоб ўқиши, китобни севиши лозим.

Шундан сўнг болалар Алишер Навоийнинг ёшлигига доир расмларни яна бир бор кўрадилар.

Тарбиячи бобомизнинг ёшлигидан ўрнатқилишни, у кишининг ўғитларини бажаришни таъкидлайди, Навоийнинг кўп китоб ўқиганини, кўп тилларни билишини айтиш билан бирга китобнинг моҳиятини, китобларни яхши сақлаш, кутубхона ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, болалар гўё кутубхонадагидек, китобларнинг биз учун боболаримиздан қолган мерос эканини, уни эъзозлашни ўргатадилар. Навоий рубоийлари, ҳикматли сўзларини билиб оладилар, тарбиячининг "Булбул-чаманнинг кўрки", "Камтарлик-бахтдир", "Одобли бола -оламга манзур" каби мақол ва ҳикматли сўзларни эслатиши орқали одобли, ахлоқли бўлиш, камтар бўлишга ҳаракат қиладилар. Машғулот давомида тарбиячи болаларнинг диққатини боғдаги дарахтлар, гуллар, қушларга жалб қилади. Қушларнинг сайрашларини тинглайдилар.

Тайёрлов гуруҳида болаларга "Камоллиддин Бехзод-буюк мусаввир" мавзусида тушунча бериш учун тарбиячи қуйидагича иш олиб боради.

Тарбиячи: болалар, мана бу расм улуг бобомиз Камоллиддин Бехзод сиймолари. У кишининг қандай қилиб буюк мусаввир бўлганлари ҳақида билиб олиш учун биз Алишер Навоий бобомиз яратган "Бинафша" боққа сайр қиламиз. (гуруҳ ер майдонида, дарахтлар орасида "Бинафша" боғ" ташкил этилади, гуруҳ ер майдонида ташкил этилган боққа борадилар, "боғ" ни томоша қиладилар, дарахтлар атрофидаги қушларни кузатадилар.

Тарбиячи: биз ўзимизни бобомиз Алишер Навоий яратган "Бинафша" боғидамиз деб, ҳис қиламиз. Қаранг, боғдаги мевали дарахтлар" ўрик, олма, нок, анжир, шафтолиларнинг ҳар бири ажойиб гўзалликка эга. Мана бу гулларни қаранг, қийғос очилган, уларнинг хушбўй ҳиди боққа ёйилган. Қани, боғни ўзингиз томоша қилинг-чи, боғ сизга ҳам жуда ёқади.

Болалар боғни айланадилар, боғ ўртасидаги супа атрофини кузатадилар.

Тарбиячи: Бу супада бобобмиз Алишер Навоий биринчи марта Камолиддин Бехзод билан учрашганлар.

Биз буюк мусаввир Камолиддин Бехзод бобомизнинг Алишер Навоий билан учрашувлари ҳақида билиб оламиз.

Қаранг, болалар мана бу баланд супага кўрпача солинган, хонтахтада қалам, қоғоз, шам турибди.

Болалар: Қалам, қоғозни бу ерга ким қўйган, қалам, қоғоз нима учун қўйилган?

Тарбиячи: Қаранг, бу супа боғнинг энг салқин жойи- чинор тагида, тўғри, супада гилам, кўрпача тўшалган, хонтахтада бобомиз Алишер Навоий ўз дostonларини, ғазалларини ёзганлар. Қоғоз, қалам, шам билан бобомиз ишлаганлар, китоб ёзганлар, кечаси китоб ўқиганлар.

Болалар : Мана бу расмларни ким чизган?

Тарбиячи: Бу расмларни буюк мусаввир бобомиз Камолиддин Бехзод чизганлар. Бу расмлар бобомиз Алишер Навоийга жуда мақбул бўлган, шунинг учун бобомиз Бехзоднинг буюк мусаввир бўлишларига ёрдам берганлар.

Болалар: қандай қилиб ёрдам берганлар?

Болалар, мана бу китобда бобомиз Алишер Навоий билан мусаввир Бехзоднинг қандай танишганлари ҳақида ёзилган. Мен бу воқеани сизга ўқиб бераман. Уларнинг қандай қилиб танишганларини билиб оламиз.

Болалар: ўқиб беринг, эшитамиз.

Тарбиячи: Ойбекнинг "Навоий" романидан "Таърифдан баланддир" парчасини ўқиб беради, унинг мазмунини қисқача тушунтиради, болаларга мусаввир Бехзод чизган расм намуналарини кўришни тавсия этади. Сўнг болалар ихтиёрий тарзда боғча ҳовлисида турли расм, нақшлар чизадилар, учбурчак, тўртбурчак, доира шаклларида турли нақшлар ясашлари мумкин, айрим болаларга ер майдонидаги гуллар тагини тозалаш, сув қуйишларини ҳам тавсия этилади

Тарбиячи: Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, буюк мусаввир бобомиз Бехзоднинг ҳам болаликдан расм чизиш, нақш солишга қизиққанлари ва бу илмни мукаммал эгаллаганларини билиб оламиз. Бобомиз Бехзод расм чизиш, нақш солиш илмига жуда қизиққан, уни узоқ вақт давомида пухта ўрганган, чунки ҳар бир

хунар секин – аста ,ўрганиш, машқ қилиш орқали эгалланишини айтади.

Машғулотнинг иккинчи қисмида тарбиячи бир неча гул, ўсимлик расмларини кўрсатади. Бу наматак расми, у шамоллашни тузатади, наматакни дамлаб, қайнатиб ичилади каби тушунтиради.

Машғулот охирида болалар асфальтга турли расмларни чизадилар.

Машғулот

Гурух: тайёрлов. Мавзу: Ибн Сино сиймоси билан таништириш.

Машғулот методи:ноанъанавий.

Тарбиячи ибн Синонинг буюк табиб эканлиги ҳақида болаларга тушунча беради , сўнг болаларни ҳамшира хонасига олиб боради, болаларга ибн Сино сиймосини кўрсатади, қуйидагиларни баён қилади:

Бизнинг Турон деб аталган юртимизда жуда кўп буюк инсонлар яшаганлар. Улар Ал-Фаробий, Ал-Беруний, ибн Сино, Улуғбек, А.Навоий ва бошқалар. Бу расм ибн Сино бобомизнинг сиймолари, у киши буюк олим, табиб бўлганлар. Бобомиз ибн Сино ёшлигидан китоб ўқишни жуда севганлар. Кечаси ухламай, кундузлари тинмай китоб ўқиганлар. Қаранг, у кишининг сиймосидан кўп китоб ўқиганлари, буюк олим бўлганлари сезилиб турибди.

Болалар, мана бу китоб бобомизнинг "Тиб қонуни" китоблари. У киши жуда кўп китоб ёзганлар. Бобомиз "Тиб қонуни" китобларида одамларнинг касал бўлиш сабаблари, касални тузатиш учун зарур бўлган дорилар, дори тайёрлаш ҳақида ёзганлар, ўзлари ҳам доривор ўтлардан дори тайёрлаганлар. Бобомиз касални жуда тез топганлар, тез даволаганлар. Шунинг учун бобомизни халқ буюк табиб, деб атаган, у кишининг ишлари бутун дунёга машҳур бўлган.

Болалар, қаранг ҳамшира хонасида кўплаб дорилар, турли асбоблар бор. Уларнинг кўпчилигини бобомиз Ибн Сино тавсия этганлар. Қани мана бу расмга қаранг, у анор расми, анор пўстининг қайтнатмаси милк шамоллаши, қизариб қолишини тузатади. Мана бу оддий макка соқоли, уни дамлаб ичиш жигар ишини яхшилайти. Сарик касалликка дори бўлади.

Тарбиячи: болалар соғлом бўлиш учун нима қилиш керак?

Болалар: югуриш, чопиш, машқ қилиш, яхши овқатланиш, озода бўлиш керак.

Тарбиячи: тўғри, бобомиз ибн Сино соғлом бўлиш учун "овқатни маҳалида ейишни, қадди-қоматни тўғри тутишни, кийимларни тоза, қулай кийишни, насихат қилганлар. Демак, кўчада, юрган йўлимизда овқатланиш яхши одат эмас экан, бу соғлиққа зарар бўлиши билан бирга увол ҳам экан, яъни юриб нон еганда, унинг ушоғи ерга тушади, увол бўлади, чунки ноннинг ушоғи ҳам нон дейди, халқимиз.

Болалар, бобомиз "Тиб конуни" китобларида нафас йўлларини касалдан сақлаш учун бақирмай гапиришни, секин ва мулойим сўзлашни айтганлар, бақириб гапирганда томоқ оғриб қолар экан. Энг зарури, ҳали сиз айтгандек, жисмоний машқ қилиш керак экан. Буни бобомиз ибн Сино ҳам айтганлар.

Тарбиячи: қани болалар Ибн Сино бобомиз айтганларидек, энди ҳовлига чиқиб жисмоний машқ қиламиз.

Болалар эркин ҳолда жисмоний машқлар билан шуғулланадилар.

Тарбиячи: Қани болалар ким нимани яхши кўриши ҳақида сўзлашамиз. Қани Хилола сен нимани яхши кўрасан, сенчи, ва ҳаказо.

Болалар: Мен рақс тушишни яхши кўраман, мен расм кўришни, мен футбол ўйнашни, мен овқат қилишга ёрдам беришни яхши кўраман каби жавоб берадилар.

Тарбиячи: болалар, ибн Сино бобомиз овқатни яхши кўриб ейиш соғлом бўлишга ёрдам беришини айтадилар. Масалан, Кўнглингда тилак бўлса, емакдин ўгирилмагин.

Олдин суюқ, сўнгра куюқ қил ҳар қачон.

Ёз ҳавоси оз емоқни кўрар лозим.

Гиёҳ, кўкат, сут бўлсин ошу тузинг деганлар.

Бобомиз айтганларини бажарсак, доим соғлом бўламиз, чунки мустақил Ўзбекистонимизга соғлом авлод керак. Бизнинг соғломлигимиз юртимиз бойлигидир.

Машғулот охирида болалар ихтиёрий тарзда жисмоний машқ, расм чизиш, ўйин-машқларни бажарадилар

Машғулот

Мавзу: Мустақил Ўзбекистон ҳақида суҳбат. "Ҳумо" қушини лойдан яшаш.

Мақсад: Катта гуруҳда мустақил Ўзбекистон ҳақидаги болалар тушунчаларини кенгайтириш, Давлат герби ва Байроғи билан таништириш, Ўзбекистон мадҳиясини ўқиб бериш, Ўзбекистон харитаси билан таништириш. Болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш. Болаларнинг бўёқ билан ишлаш қобилиятини ўстириш, бадиий дидини такомиллаштириш.

Керакли жиҳозлар:

1. Ўзбекистон харитаси.
2. Давлат байроғи .
3. Давлат герби.
4. Рангли бўёқ, қоғоз, мўйқалам ва сув.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи : болалар, ўлкамизда қандай фасл бошланди? (Болалар жавоблари тингланади).

жуда тўғри, бугундан биз янги ўқув йилини бошладик. Сизлар бир ёшга катта бўлдингиз. Энди сизлар Ўзбекистонимиз ҳақида кўп нарсани билиб олишларингиз керак.

Биз- ҳаммамиз Ўзбекистон Республикасида яшаймиз. Мана болалар, Ўзбекистон Республикаси жуда катта жойни эгаллаган. Болаларнинг диққати харитага қаратилади.

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда "Мустақил Ўзбекистон" деб аталади. Мана 17 йилдан буён биз 1-сентябрни – Ўзбекистон Мустақиллиги куни сифатида байрам қиламиз. Чунки биз шу кундан бошлаб мустақил бўлдик. Республикамиздаги барча ер, сув, иморатлар ҳамма-ҳаммаси ўзимизники. Энди ўзимизнинг янги Байроғимиз, Гербимиз, Мадҳиямиз бор. (Болаларга байроқ, герб кўрсатилади ва яхшилаб таърифлаб берилади). Мадҳия ифодали ўқиб ва тушунтириб берилади. (муסיқа машғулотида эса куйга солиб айтиб берилади). Машғулот охирида болаларга куйидаги саволлар берилади, болалар тушунчалари мустаҳкамланади.

1. Ўзбекистон қачон Мустақилликка эришди?
2. Байроқдаги мовий, оқ, яшил ранглар нимани билдиради?
3. Тамғадаги "Ҳумо" қуши қандай маънони билдиради?

Юқоридаги саволларга жавоб бергач, болалар Ҳумо қушини лойдан ясайдилар Бунда тарбиячининг кўрсатиб бериши, тушунтириши, болаларнинг ишини кузатиши, айрим болаларга ёрдам бериши муҳимдир. Машғулот якунида

болаларнинг бажарган ишлари кузатилади, ишнинг бажарилиши таҳлил қилинади, энг яхши бажарган болалар ишлари рағбатлантирилади.

Машғулот

Мавзу: Тошкент -Ўзбекистон пойтахти билан таништириш.

Машғулотнинг мақсади:Тошкент шаҳри ҳақида, тарихий ёдгорликлар ҳақида суҳбат ва "Кўкалдош" ёдгорлигининг расмини чизиш.

Мақсад: Мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти - Тошкент ҳақидаги болалар тасаввурини кенгайтириш, болаларни "Шайхонтовур" ва "Кўкалдош" мадрасалари билан таништириш, болаларда маданий тарихий ёдгорликлар,Ўзбекистоннинг пойтахт Тошкентга бўлган қизиқишини, меҳр – муҳаббатини ўстириш. Болалар сўз бойлигини ошириш, боғланишли нутқини шакллантириш,она ватан тушунчасини мустаҳкамлаш.

"Пойтахт", "Кўкалдош" “Шайхонтовур”сўзларини тўғри талаффуз қилишга , маъносини тушуниб олишга ўргатиш.

Ёдгорликлар расмини чизиш орқали болаларнинг бадиий дидини ўстириш, расм чизиш қобилиятини риножлантиришни давом эттириш.

Жиҳозлар:

1. Тарихий ёдгорликларнинг суратлари.
2. Ҳаворанг жило берилган қоғоз, бўёқ, мўйқалам, латта, сув.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, сизлар Тошкентга борганмисизлар? - Қани Мафтунахон Тошкентга борганингизда нималарни кўргансиз? У ердаги тарихий жойларга ҳам борганмисиз? Йўқ дейсизми? Қани бўлмаса ,яхшилаб ўтириб оламиз, диққат билан мени эшитинглар...

- Тошкент ҳам Ўзбекистоннинг тарихий қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, 2000 йиллик тарихга эга. Тошкентда бир неча ёдгорликлар сақланиб қолган. Айниқса, мадраса, масжид, мақбаралар бир неча минг йиллардан буён ўз гўзаллигини сақлаб келмоқда. Болалар бир эсга туширайликчи, мадраса, масжид, мақбара деганда нимани тушунамиз? (Кичкинтойлар ўз тушунчаларини билдирадилар, тарбиячи уларга ёрдам бериб туради) Тўғри айтдингиз, Тошкентдаги қадимий ёдгорликлардан бири - Шайх Хованд Тохур ёдгорлигидир. Ушбу ёдгорлик ҳам

мадраса, масжид, мақбаралардан иборат. Шайх Хованд Тохур қадимий Туркистоннинг буюк уламоларидан бири бўлган, ёдгорлик шу одамнинг номига қўйилган. Ёдгорлик қисқартирилиб "Шайхонтовур" деб аталади. "Кўкалдош" мадрасаси икки қаватли бўлиб, Тошкентнинг Чорсу марказида жойлашган. "Кўкалдош" деган сўзнинг маъноси шундайки, бир онадан сут эмган икки боланинг бири деганидир. Яъни подшонинг чақалоғи бир сабаб билан онасининг сутини эма олмаса, уни бошқа бир ёш болали она эмизган. Эмизган онанинг боласи шахзода учун энг яхши кишилардан бири бўлиб қолади. Подшоликда подшога яқин бўлган баъзи кишиларни "Кўкалдош" деб атаганлар. Мадрасани қурган киши ҳам Кўкалдош унвонли одам бўлган. Шундан келиб чиқиб бу мадраса "Кўкалдош" номи билан номланади. Бундан ташқари жомеъ, Тилло- Шайх масжидлари бор.

Болалар Ўзбекистонимизнинг пойтахтини биласизларми? (Болалар жавоблари тингланади) Жуда тўғри Тошкент - Ўзбекистоннинг пойтахти. Пойтахт деган сўзнинг маъноси шундайки, давлатнинг бошлиғи, бошқарувчилари яшайдиган, мамлакатни бошқарадиган идоралар жойлашган, давлат хазинаси сақланадиган шаҳарга айтилади.

Болалар, давлатимизнинг Президенти ким ? биласизларми ?

- Болалар: Ўзбекистон Президенти- Каримов Ислон Абдуғаниевич.

Тарбиячи: Жуда тўғри, мана болалар, биз сизлар билан пойтахтимиз ҳақида билиб олдик, қолаверса, тарихий ёдгорликлар, қадимий мадрасалар ҳақида суҳбатлашдик. Қани болалар, . Тошкент ҳақида нималарни билиб олдингиз?

2. "Кўкалдош" сўзининг маъноси нима?

3. "Кўкалдош" мадрасаси қаерда жойлашган?

4.Пойтахт сўзининг маъноси нима? Саволларга болалар жавоб берадилар, болаларни "Кўкалдош" мадрасасининг расмини чизишга таклиф қилинади. Машғулот давомида қийналган болаларга ёрдам берилади, машғулот якунланади.

Машғулот

Мавзу: Самарқанд вилоятидаги қадимий ёдгорликлар билан таништириш.(Шоҳи Зинда, “Бибиҳоним”,”Гўри Амир”ва бошқа ёдгорликлар расмини чизиш).

Машғулотнинг мақсади: Болаларни қадимий шаҳарларимиздан бири бўлган Самарқанд билан таништириш. XIII асрда қурилган буюк Шоҳи-Зинда, Бибиҳоним, Гўри-Амир, Регистон каби ёдгорликлар ҳақида болаларга тушунча бериш. Тарихий ёдгорликлар ҳақида суҳбат қилиш орқали болалар қалбларида она-Ватан тарихига ва Амир Темурга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотиш. Болаларнинг сўз бойлигини ошириш. Вилоят сўзининг маъносини тушунтириб бериш.

Болаларнинг бадиий дидини ўстириш. Ранглардан мўйқаламдан тўғри фойдаланиб, чиройли расм чизишга ўргатишни давом эттириш.

Жиҳозлар:

1. Самарқанд шаҳрининг кўркам манзараси.
2. Тарихий обидаларни акс эттирувчи расмлар.
3. Амир Темур, Улуғбек сурати.
4. Ҳаворанг жилвали қоғоз, буёқ, мўйқалам, латта, сув.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, бугун биз Самарқанд вилояти ҳақида суҳбатлашамиз. Самарқанд ер юзининг энг гўзал, энг қадимий шаҳарларидан биридир. Шаҳар пайдо бўлганига 3500 йилдан кўпроқ бўлди. Вилоят дегани - мамлакат ёки Ватаннинг кичик бир қисми бўлиб, у ерда бир хил иш билан шуғулланувчи бир - бирини озми - кўпми танийдиган кишилар яшайди.

Шаҳар 1222 йилда мўғуллар томонидан бутунлай бузиб юборилган ва бир оз вақт ўтгач, шаҳар ўрнининг ёнига қайтадан янги шаҳар қурилган. Шаҳарнинг эски ўрни ҳозир Афросиёб деб аталадиган тепалик. Қайта қурилгандан сўнг Самарқанд илгари пойтахт бўлган. Самарқандда жуда кўп тарихий ёдгорликлар бор. Бу ёдгорликлар ичида Шоҳи - Зинда, Регистон майдонидаги уч мадраса- Бибиҳоним, Гўри Амир мақбараси кабилар шох асарлар ҳисобланади. Самарқанднинг энг қадимий ёдгорлиги Шоҳи Зинда номли мақбара туркумидир. Ривоятларга кўра бу ерга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари Аббоснинг авлодларидан бири кўмилган экан. Саҳоба - пайғамбаримизга яқин киши деганидир. У кишининг таҳаллуслари Шоҳи Зинда, яъни тирик шох бўлган экан. Ривоятда айтилишича, у кишига қабр тайёрланган бўлса-да, у киши аслида вафот этмаган эмишлар.

Шунинг учун ҳам бу жойларни шу ном билан атаган эканлар. Бу мақбаралар қаторида кўплаб машҳур тарихий шахсларнинг қабри бор. Шохи -Зиндадаги мақбаралар ниҳоятда гўзал қилиб қурилган.

Самарқанддаги энг йирик ёдгорлик - Бибихоним ёдгорлигидир. Ёдгорлик 1380 йилда қурилган. Қурилишга Амир Темур бобомизнинг рафиқалари Сарой Мулкхоним раҳбарлик қилганлар. Ёдгорлик масжид, мақбара, мадраса, қорихона каби қисмлардан иборат бўлган.

Бинонинг катта қисми бир неча асрлар олдин зилзилалар оқибатида бузилиб кетган. Ҳозир бу ёдгорлик қайтадан тикланган.

Самарқанднинг яна бир гўзал ва машҳур ёдгорлиги - Регистон майдонидаги уч мадрасадир.

Улардан бири Мирзо Улуғбек бобомиз томонидан қурилган, шунинг учун у Улуғбек мадрасаси деб аталади. Мадраса деган сўзнинг маъноси сизларга таниш. Мадраса дарс ўтиладиган ўрта ва олий ўқув юртидир. Бу мадрасада Мирзо Улуғбекнинг ўзлари ҳам осмон, юлдузлар ҳақидаги билимлардан дарс берганлар. Регистон майдонининг тўғрисида Тиллакори мадрасаси қад кўтарган. Мадрасанинг безакларига олтин – тилло кўшиб нақш берилганлиги учун шундай ном берилган. Улуғбек мадрасасининг қаршисида ниҳоятда гўзал Шердор мадрасаси бор. Унинг олд қисми-пештоқига шер расми туширилганлиги учун ҳам шундай ном берилган.

Юқорида санаб ўтилган мадрасалар нафақат Самарқанднинг балки бутун ер юзидаги мамлакатларнинг кўркидир.

Гўри Амир мақбараси бу ёдгорликлар ичида энг гўзал мустаҳкам қурилган.

Мақбара - бу қабрнинг усти ва атрофига қурилган бинодир.

Гўри Амир мақбараси 1390 йилда қурилган.

Амир Темур ўзлари вафот этганларидаи сўнг ўрниларига ўтқозишни мўлжаллаб қўйган набиралари Муҳаммад Султон жанглардан бирида вафот этадилар. Амир Темур суюкли набираларига атаб муҳташам мақбара қурдирадилар. Мақбарага дастлаб Муҳаммад Султон, сўнгра амирнинг пирлари, машҳур уламо Шайх Сайид барака дафн этиладилар. 1404 йилда Амир Темур Хитой сафарига кетаётиб, Ўтрор шаҳрида вафот этадилар, сўнг у кишини ҳам ушбу мақбарага дафн этадилар. Шундан сўнг мақбара "Гўри Амир" деб ном олган. Амир Темурдан сўнг бу мақбарага у кишининг ўғил ва набиралари Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек ва бошқалар дафн этиладилар. Мирзо Улуғбек узоқ Хитой

шаҳридан олиб келган улкан қимматбаҳо тош ҳам мақбарага қўйилади. Бу тош халқимизда "Кўктош" номи билан машҳурдир. Мақбара икки қаватли бўлиб, асосий қабрлар биринчи қаватда, яъни ертўла қисмида жойлашган.

Машғулотнинг давомида тарбиячи болаларга мақбара расмини кўрсатади ва куйидаги саволлар орқали болаларнинг тушунчаларини аниқлайди

1. Самарқанд шаҳри ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоҳи Зинда ёдгорлиги қайси шаҳарда қурилган?
4. Бибихоним ёдгорлиги ҳақида нималар биласиз?
5. Регистон майдонида қандай мадрасалар бор?
7. Гўри Амир мақбараси ҳақида нималарни биласиз?

Машғулот охирида болалар истаган ёдгорликлари расмини чизадилар. Расм чизиш давомида тарбиячи болалар билан яқка тартибда ишлайди. Болаларнинг ишлари кузатилади.

Машғулот

Мавзу: Бухоро вилоятининг тарихий ёдгорликлари ҳақида суҳбат ва балаларга ёққан ёдгорликлар расмини чизиш.

Мақсад: Болаларни қадимий шаҳарларимиздан бири - Бухоро билан таништириш. Обидаларнинг рангли тасвирини кўрсатиш, у ҳақда ҳикоя қилиб бериш. ("Минораи калон", "Арк" каби) ёдгорликлар билан таништириш орқали болаларда обидаларга нисбатан муҳаббат уйғотиш. Ўзларига ёққан ёдгорликлар расмини чиздириш, уларда бадиий дидни ўстириш.

Сўз бойлигини ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар:

- Бухоро шаҳрининг кўркем манзараси расми;
- тарихий обидалари, эски шаҳар қурилишларини акс эттирувчи рангли тасвирлар;
- ҳаворанг жилдда берилган қоғоз, бўёк, сув латта.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: - Болалар бугун мен сизларга қадимий шаҳарларимиздан бири бўлган Бухоро ҳақида сўзлаб бераман.

Бухоро шаҳрининг пайдо бўлганига 2500 йилдан ошди. Бу ерда бундан минг йиллар аввал қурилган ёдгорликлар ҳозирча сақланиб қолган. Шаҳарнинг энг машҳур ёдгорликлардан бири "Минораи калон" - катта минора деб аталувчи минорадир.

"Минораи калон" дейилишига сабаб Бухорода ўзбеклар билан бирга тожик халқлари ҳам яшайди. Шунинг учун тожикча ном билан айтилади. Минора аслида одамларни номозга чақириш учун қуриладиган баланд иморатдир. "Минораи калон" нафақат номозга чақириш учун, балки шаҳар атрофидаги манзараларни кузатиб туриш мақсадида баланд қилиб қурилган.

Минора танаси геометрик шаклларга бой, белбоғлар билан бўлинган, тепасида азон айтиладиган 16 та дарчаси бор. Минора шундай мустаҳкам қурилганки, душманлар уни ҳатто ўққа қўйиб ҳам йиқита олмаганлар.

Ривоят қилишларича, нима ҳам бўладики, Бухоронинг марказий минораси қулаб тушади. Муҳаммад Арслонхон янгисини қуришга фармон беради, минора баландликда ҳам, гўзалликда ҳам ягона бўлиши керак эди. Шунинг учун Арслонхон жар чақиртириб, Миноранинг биносини қуришга талабгор устани қидиртиради, ҳадеганда бундай уста топилавермайди. Ниҳоят, бир уста буюмунини бажаришга истак билдиради. У хондан жуда кўп оқ туяларнинг 1 кунлик сутини, оқ товукларнинг 1 кунлик тухумини жамлаб келтиришни сўрайди. Хон унинг айтганларини келтириб беради. Уста туя сутини билан тухум оқи қўшилган қотишма воситасида оқ харсанг тошлар билан миноранинг пойдеворини тиклайди. Бу миноранинг баландлиги 50 метр, диаметри 9 метр, танаси ғўласимон, юқориси ингичкалашиб боради. Ичидаги айланма зина орқали тепага чиқиш мумкин.

Бухородаги қадимий иншоотлардан яна бири "Арк" деб аталади. "Арк" дегани, хон ва амирлар ўз қариндошлари билан яшайдиган жой бўлиб, мамлакатнинг ишлари шу ердан туриб бошқарилган. Бухоро ҳукмдори қадимги замонлардан бошлаб 1920 йилгача шу ерда истиқомат қилганлар. Урушлар ва бошқа сабабларга кўра Аркнинг катга қисми бузилиб йўқ бўлиб кетган. Арк тепалик устига қурилган. Унга зарур зинапоя орқали чиқилади.

Ҳозирги пайтда Аркда Бухоро вилояти ўлкани ўргатиш музейи жойлашган. Бошқа шаҳарлардан келган меҳмонлар учун тарихимизга оид ёдгорликлар намойиш этилади.

Бухоронинг яна бир ёдгорлиги "Ситораи Моҳи - Хоса" номли ёдгорлик бўлиб, у ёзги саройдир. Бу саройни Бухоро амири Сайид Олимхон ХХ - асрнинг бошларида қурдирган. Саройнинг номи тожикча аталган бўлиб, - ўзбекча "Энг ёрқин юлдуз" деган маънони билдиради. Бу саройни қуриш ҳақида ривоят ҳам бор. Амир қурувчи меъморларни тўплаб, Бухоро атрофидаги энг салқин

жойни топиб, ўша ерга сарой қуришни буюради. Бош меъмор юзта та қўй беришни сўрайди, уларни сўйдириб, танасини Бухоро атрофидаги турли жойларга осиб қўйишни буюради. икки кундан кейин гўштлардан хабар олади. 99 та қўйнинг гўшти айланиб қолади. Бир жойда эса гўштнинг айланимай яхши сақланганини кўради. Меъмор, демак, шу ер энг салқин, шабода юриб турадиган жой экан деб, ўша ерда сарой қурилишини бошлаб юборади. Сарой жуда чиройли қилиб қурилади. Бир томонида катга боғ яратилади. Саройнинг энг катта хоналаридан бири йилнинг тўрт фаслига мослаб қурилади яъни безак ва нақшлар йилнинг тўрт фаслига мослаб, ҳар бир фаслда шу фаслга мос безак ва нақш ўрнатилибди. Ҳозир бу бинода музей жойлашган. Шу билан бирга Бухорода кўпдан - кўп турли даврларга оид масжид - мадрасалар, ҳовли, хаммомлар ва тимлар ҳозиргача сақланиб қолган. «Тим» дегани - усти гумбаз билан ёпилган бозор ва унинг расталарига айтилади. Ана болажонлар, кўрдиларингизми, Кўхна Бухорода тарихий жойлар жуда кўп экан.

Мен сўзлаб берган тарихий ёдгорликлар ва ривоятлар сизларга ёқдими? Тушундиларингми?

Тарбиячи болаларга қуйидаги саволларни беради.

1. Бухоро шаҳри ҳақида нималар биласиз?
2. "Минораи Калон" ҳақида қандай ривоят эшитдингиз?
3. Бухоро хонлари бу миноралардан нима учун фойдаланганлар?
4. Арк деб нимага айтилади?

Болаларнинг жавобларини тўлдириб, суҳбат якунланади ва болаларнинг ўзларига ёққан тарихий ёдгорликлардан бирини чизиш таклиф қилинади.

Болалар ишлари тарбиячи томонидан кузатиб турилади. Машғулот якунида болалар иши болалар томонидан баҳоланади.

Машғулот

Мавзу. Имом Бухорий ҳақида болаларга маълумот бериш ва ҳадислардан намуналар ёд олдириш.

Мақсад: Бухоронинг буюк алломалардан бири Имом Исмоил Бухорий ҳақида болаларга маълумот бериш. Таълим-тарбияга оид ҳадислар мазмунини тушунтириш.

Бухорои шариф номи билан донғи кетган бу музей шаҳарларни не-не улуғ зотлар бир тавоф айлашга орзуманд экани, юртимизга

келгувчи ҳар бир сайёҳ Бухорони зиёрат қилмай кетмаслиги ҳақида сўзлаб бериш.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, биз ўтган машғулотимизда сизлар билан Бухоро ҳақида сўзлашган эдик. Қани, ким менга айтади, қандай тарихий обидалар билан танишган эдик? Болалар жавоблари тингланади. Жуда тўғри, бугун биз сизлар билан Бухорода дастлаб яшаб ўтган, ижод этган тарихий шахслар ҳақида суҳбатлашамиз. Бухорода жуда кўп буюк алломалар яшаганлар. Улар Имом Исмоил Бухорий, Абу Али ибн Сино, Хожа Исмат Бухорий, ва бошқалар. Улардан бугун биз сизлар билан Имом Исмоил ал-Бухорий ҳақида яқиндан танишамиз.

Имом Исмоил ал-Бухорий 809 йил 13 майда Бухорода туғилган. Отаси Шайх Исмоил ибн Иброҳим савдо ишлари билан шуғулланган. Имом Бухорийнинг ёшлик чоғидаёқ отаси вафот этган. У онаси кўлида тарбия топади. У 10 ёшидан бошлаб араб тилини ўрганади, қадимий китобларни ўқиб, уларни ёдлашга ҳаракат қиларди.

16 ёшида отаси ва онаси билан хаж сафарига боради. У йўлда кўпгина шаҳарларда тўхтаб, ўша ердаги олимлардан сабоқ олади.

Имом Бухорийнинг хотираси жуда кучли бўлган. Ривоят қилишларича, у қайси китобни кўлга олиб, бир марта ўқиб чиқса бас, шу захоти уни ёдлаб олган. У 300.000 (уч юз минг) ҳадисни ёд билган. Имом Бухорий билан Басра шаҳрида ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан Хамид ибн Исмоилнинг айтишича, "Имом Бухорий бизлар билан бирга дарс этишарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларни биз ёзиб олардик, аммо Бухорий эса фақатгина кулоқ солиб ўтирарди. Шу тарзда орадан қанча кунлар ўтиб кетди, устоз 15000 ҳадис ривоят қилди. Биз Бухорийга "Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?" -деган вақтимизда, у "Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман"- деди-да, устоз ривоят қилишган ҳадисларнинг ҳаммасини бир чеккадан ёд айтиб берди. Шундан кейин биз ўзимиз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни уни ёд олган ҳадисларига қараб тузатадиган бўлдик," дейди. У 20 ёшидан бошлаб китоб ёза бошлаган. У кишининг шох асари "Ал Жомеъ ас-Саҳиҳ" яъни "Ишончли тўплам" дан ташқари 20 га яқин китоблари бўлиб, бизгача етиб келмаган.

Умрининг охирида Имом Бухорий она ватанига қайтади ва болаларга ҳадислардан дарс беради. Кунлардан бир кун Бухородаги Холид ибн Ахмад аз-Зухолий деган амир "Бундан буён амирнинг

саройига келиб тулинг ва болаларга "ал Жомеъ ас-Саҳиҳдан дарс беринг,"-деб хат юборади.

Имом бу таклифни қабул қилмайди. "Мен илмни хўрлаб, султон у амирларга, уларнинг эшигига олиб бормаيمان. Агар Амирга илм керак бўлса, болаларини уйимга ёки масжидга юборсин,-" деб жавоб қайтаради.

Бундай кескин жавоби туфайли амир аз-Зухолий буюк алломага Бухородан чиқиб кетишни буюради. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд олимлари Имом Бухорийни Самарқандга кўчиб келишини илтимос қиладилар. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқади, лекин, Самарқандга етмай Хартунг қишлоғида, ҳозирги Пойарик туманидаги қариндошлариникида касал бўлиб қолади ва шу ерда вафот этади. Имом Хартанг қишлоғига дафн этилади.

Имом Бухорийнинг мақбараси ва масжиди ҳозирги кунда обод, дунё мусулмонларининг зиёратгоҳига айланган.

Болалар, сизлар ҳам Имом Бухорийдек зеҳни ўткир, хотираси кучли, камтар ва доно бўлишни ҳоҳлайсизми? (Болалар жавоблари тингланади).

Тарбиячи Имом Бухорий асарларидаги болаларга мос бўлган, ахлоқ-одоб, таълим-тарбияга оид ҳадислардан намуналарни ўқиб беради:

- таомнинг баракаси таомни ейиш ва сўнг қўл ювишдадир.
- аввало, онанга яхшилик қил, яна онанга яхшилик қил ва яна онанга яхшилик қил, сўнг отанга яхшилик қил.
- бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар.
- ҳамиша ишингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин.

Машғулот.

Мавзу: Алишер Навоий билан таништириш рубоийларидан бирини ёд олдириш.

Мақсад: Болаларни Алишер Навоий ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, унинг болалиги ҳақида сўзлаб бериш. Шоир ижодидан намуналар келтириш, уни ифодали ўқиб бериш. ҳар бир сўзнинг маъносини тушунтириб бериш. Чиройли ва равлон талаффуз қилишга ўргатиш.

Машғулот жиҳози:

1. Алишер Навоийнинг рангли сурати.
2. Нашр этилган асарларидан намуналар.
3. Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонига ишланган болаларбоп миниатюра ҳақида битилган китоблар.

Ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Хирот шаҳрида (ҳозирги Афғонистонда) туғилди.

Алишер - унинг исми, Навоий эса тахаллуси бўлиб, наво дегани куй, садо, оҳанг, бахт деган маънони билдиради.

Алишер Навоий буюк шоир, бир неча йил вазир ҳам бўлган, шунда унга ҳурмат юзасидан Низомиддин сўзини қўшиб айтишган.

Алишер болалигидан адабиётни, илмни, мусиқани севган, мактабда ўқиб юрган йиллари жуда кўп шерларни ёддан билган. 10-12 ёшларида шеър ёза бошлаган.

Алишер ғоятда қобилиятли тиришқоқ, ҳаракатчан, зеҳнли бўлиб, уни катта кишилар ҳам ҳурмат қилганлар. У ўзининг ёзган шеър ва ғазалларида ҳақиқий инсон ёшлигиданоқ илмга қизиқиши, ҳунар ўрганиши, билмаган нарсасини билишга интилишини, халқ ишига фидоий, дўстига содиқ бўлиши керак деган фикрларни илгари сурган. У шеърларидан ташқари катта-катта достонлар ҳам ёзган. У достонларида адолатни, дўстликни улуғлаган, зулмни, зўравонликни қоралаган.

Навоий ижод этиш билан бирга ёшлиқда бирга ўқиган дўсти Хусайн Бойқаро саройида бош вазир бўлиб ишлайди ва халқ ҳаётини фаровон этиш, мамлакатни ободонлаштириш каби ишларга бош бўлади. Ариқлар қаздиради, шиғохоналар, кутубхоналар қурдиради.

Кўп ўтмай Алишер Навоий Астрободга ҳоким қилиб тайинланадилар. Икки йилдан кейин уни подшо Хиротга чақириб олади. У инсонларга яхшилик қилишни давом эттиради, ўзининг кўплаб асарларини ўзбек тилида ёзади, ўзбек тилининг гўзаллигини, бойлигини ва қудратини оламга намойиш қилади.

У ўз асарларида дунёдаги барча халқларни ўзаро дўст бўлиб яшашга чақиради ва шундай ёзади:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душмонлиғ,

Ёр улуғ бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги йилларигача шеър, ғазаллар “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун каби достонларида сўз,нутқнинг гўзаллиги,халқларнинг ўзаро дўст бўлиб яшаши каби орзулар билан яшади,уни ўз асарларида ифодаб берди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Алишер Навоий сиймосини кузатинг.
2. У ёшлигида қандай бола бўлган?
4. Навоий қандай ишларни бажарган?

Машғулотнинг якунида болалар "Фарҳод ва Ширин" достонига ишланган расм-иллюстрацияларни кузатадилар, тарбиячи қуйидаги ғазални ўқиб беради, уни ёд олдириш мумкин.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға
Икки жаҳонингга тилар рўйиғош
Ҳосил этиб ушбу иккисидан ризо***
Туну кунингга айлагали нуриғош
Бирисин ой айла, бирисин қуёш

Ғазал ўқиб берилгандан сўнг, ғазал мазмуни болаларга тушунтирилади, уларни Навоийдек ота-оналарини ҳурмат қилишга, эъзозлашга ўргатилади. Ғазални болаларга ўргатилади.

Машғулот

Мавзу. Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликлар ҳақида суҳбат.
(Ичан калъа ҳақидаги Омон Матчоннинг шеърдан намуна ёдлаш.)

Мақсад: Болаларни Хива шаҳридаги тарихий ёдгорликларнинг айримлари билан таништириш. Ватанга бўлган муҳаббатни ўстириш. Хива - "Очиқ ҳаводаги музей" эканлиги ҳақида болалар тасаввурини бойитиш. Тарихий ёдгорликларга нисбатан муҳаббатни тарбиялаш. Болаларнинг нутқини ривожлантириш, хотирасини ўстириш.

Жиҳозлар:

1. Хива шаҳрининг кўркем манзараси акс этган расм.
2. Ичан калъадаги ёдгорликларнинг рангли суратлари.
3. Пахлавон Маҳмуд мақбарасининг рангли сурати.

Машғулотнинг бориши:

Тарбияси: Болалар бугун биз сизлар билан "Очиқ ҳаводаги музей" ҳақида суҳбатлашамиз. "Очиқ ҳаводаги музей" бизнинг муқаддас юртимиз-Ўзбекистонда бўлиб, бу жой Хивадир. Чунки

Хивада жуда кўп мадраса, масжидлар, сарой, мақбара ва дарвозлар зич жойлашган. Худди музейга ўхшайди.

1. Хива шаҳри Хоразм вилоятининг қадимий шаҳарларидан биридир.

2. Хива шаҳрининг пайдо бўлганига 2500 йил бўлди. Хива шаҳри икки қисмдан иборат:

1. Ичан қалъа. 2. Дишон қалъа

Ичан қалъа дегани шаҳарнинг ичкари қисми, ўзаги дегани. Дишон қалъа эса қалъанинг ташқари қисми дегани.

Дишон қалъада косиб, хунарманд, савдогарлар ва бошқалар яшаганлар.

Дишон қалъа кейинги пайтларда бутунлай ўзгариб ўз қадимий қиёфасини йўқотган. Ичан қалъа эса яхши сақланиб қолган. Ичан қалъанинг ўзи бир очиқ ҳаводаги музей ҳисобланади. Бу ерда хон саройи, масжид, мадрасалар, эски ҳолатича сақланган, ҳовлилар, хаммомлар, карвонсаройлар ва бошқа бинолар бор.

Хивага борган киши ўтган асрга саёҳат қилгандек бўлади. Хива бундай музей шаҳар бўлгунча жуда кўп урушларни бошидан кечирган. Мўғуллар билан хонликлар ўртасида уруш бўлган. Мўғуллар Хива хонининг тожу тахтини, хазинасини ўзлариники қилиб, олиб кетганлар. Ҳозиргача бу хазинанинг кичкина қисми Санкт- Петербург ва Москванинг баъзи музейларида сақланиб қолган. Уларнинг нияти Хивани бутунлай йўқ қилиш эди. Лекин шунчалик ёвуз талон-тарожга қарамасдан Хива фарзандлари ўз шаҳарларининг номи йўқ бўлмаслиги учун ҳаракат қилдилар. Улардан бири ўзбек шоири енгилмас Баҳодир Паҳлавон Маҳмуд эди. Жуда кучли шоир ва елкаси ерга тегмаган полвон бўлган. У бутун кучини мўғул босқинчиларига қарши курашга, улкан одамларнинг хотирасини абадийлаштиришга сарфлаган. У ўз атрофига кишиларни тўплаб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, Ватан қаҳрамонларига ажойиб ёдгорликлар ўрнатдилар. Мўғул босқинчилари келиб, бу ёдгорликни бузмоқчи бўладилар, лекин улар отлардан тушиб, қўл қовуштириб туришга мажбур бўладилар. Чунки халқни олдида Паҳлавон Маҳмуд турар эди. Кейин улар кечирим сўраб орқаларига қайтиб кетадилар. Шунда Паҳлавон Маҳмуд халққа қараб, қуйидаги рубоийни ўқиган эди.

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга юқмас асло чангу гард,
Қулоқ солгин Пурёй валий сўзига,

Кўрқоқлардан бирон чиққанмиди мард!

Хивадаги Пурёй валий - Паҳлавон Маҳмуд мақбараси деворлари ва гумбазидан ҳозир ҳам ана шу рубоийни ўқиш мумкин.

Демак, биз болаликдан Паҳлавон Маҳмуд айтганларидек, мард, ботир бўлишимиз, кўрқоқ бўлмаслигимиз керак .

Хивадаги тарихий ёдгорликлардан яна бири бу - Нуриллобой саройидир. Бу сарой Нуриллобой деган кишининг боғининг ўрнига қурилган. Сарой ўзаро бирлаштирилган уч ҳовлидан иборат. Ички ва ташқи дарвозаларига, эшикларига, айвонларининг устунларига ишланган нақшлар жуда чиройли.

Саройнинг деворларига олтин ва кумуш билан ҳалланган ганч қилинган, Саройнинг катта залининг шифти олтин ҳал билан бўялган. Бу сарой Хивадаги бошқа саройларга ўхшамайди.

Шундай қилиб, Хивада жуда кўп ёдгорликлар бор.

Лекин уларнинг ичида Ичан қалъа бошқача ўрин тутди.

Ичан қалъа ҳақида ўзбек шоири Омон Матчон шундай ёзган:

Хивада қалъа бор, қалъа ичинда,
Бири-Ичан қалъа, бириси - Дишон.
Машҳурдир бирининг номи очунда,
Бири нураб ётар, беназар, бешон.

Ичан қалъа, демак Хоразм фаҳри,
Баҳорнақш гумбазлар, минор, сардоба.
Шундадир бу буюк Маҳмуднинг қабри,
Шундадир шон, -ғурур, Дишон-хароба

Болаларга шеър 2-3 бор ўқиб берилади, мазмуни тушунтирилади Хива шаҳарининг расми кўрсатилади, унинг номи айтилади. Болалар расмни кўрадилар. Ичан қалъа ва Дишон қалъани расмдан топадилар.

Машғулот

Мавзу: Амир Темурнинг сиймоси билан болаларни таништириш.

Машғулотнинг мақсади: Амир Темур сиймоси билан таништириш, унинг даврида қурилган ёдгорликлардан бирининг шаклини қирқиш ва елимлаш орқали болаларда Амир Темурнинг сиймоси, унинг бунёдкорлик ишлари билан таништириш буюк

бобомизга ҳурмат, Ватанга муҳаббатни шакллантириш, болалар нутқини ўстириш, қирқиш, елимлаш малакасини ошириш.

Болаларнинг Амир Темурдек ботир, кўркмас, буюк киши бўлишга интилишларини тарбиялаш.

Жихозлар:

1. Амир Темур сиймоси расми.

2. Амир Темур ҳақида ёзилган болаларбоп китоблар.

3. Амир Темур томонидан қурдирилган обидаларнинг расмлари.

4. Бўёқ, қоғоз, мўйқалам, сув, латта.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи машғулотни Амир Темур суратини болаларга кўрсатишдан бошлайди. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг болалар учун энг қизиқарли ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларидан баъзиларини ҳикоя қилиб беради.

Тарбиячи: Болалар, Амир Темур бобомиз Шахрисабзнинг Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Ривоят қилишларича, Амир Темур туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у ҳамма жойга тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга ёйилиб, ҳаттоки, бўшлиқ жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш. Бу ҳолатни башоратчилардан, каромат кўрсатувчи кишилардан сўралганда, улар бу одам кучли, темирдек мустаҳкам бўлади, дейишган экан.

Амир Темур ёшлигидан ақлли, очик кўнгил, журъатли, кучли ва қобилиятли бўлиб ўсади, тенгқурлари - вазирларнинг болалари билан суҳбатлашар, амирларнинг ўғилларидан ўз тенгқурлари билан вақтини ўтказарди. Бир куни Темур тенгқурларига шундай дейди:

“Менинг бувам башоратчидирлар, у киши туш кўрибдилар. У тушини таъбир қилганида, қуйидаги нарсалар аён бўлган: бувимнинг болалари ва набиралари орасида бир кимса чиқиб, мамлакатга эгалик қилади, одамларни бўйсундириб соҳибқирон бўлади ва унинг олдида замона подшоҳлари бўйин эгади. Ана ўша кимса мен бўламан. Мана шу фурсат яқин келди. Сизлар менга ёрдамчи ва мададкор, мен учун таянч ва суянч абадул-абад юз ўғирмасликка онт ичинглар”-, деди.

Тенгқурлари Темур даъватига рози бўлдилар, доимо у билан бирга бўлиб, унга қарши турмасликка ўзаро қасамёд қилдилар. Улар ҳар доим Амир Темур билан бирга бўлдилар. Кўп жанглар

қилдилар. Меҳнаткаш халққа ёрдам бердилар. Жумладан, бизнинг Қўқонимизни ҳам мўғул босқинчиларидан озод этганлар. Амир Темур жанг қилиш билан бирга, шаҳарнинг чиройли бўлишига ҳам эътибор берганлар. Айниқса, Шаҳрисабзга алоҳида эътибор бериб, уни "Ўрта Осиёнинг" маънавий марказига айлантирди. Тоғларга туташиб кетган шу шаҳарнинг қоқ ўртасида Оқсарой номли бино қад тиклади. Саркарда унинг деворларига "Агар шуҳратимизга шуҳба қилсанг, иморатимизга қара" сўзларини фахр билан ёздирган.

“Оқсарой” жуда ҳашаматли қурилган.

Амир Темур сермашаққат, нозик ишнинг усталарига алоҳида иззат кўрсатган. Уларни вақтида мукофотлаб турган.

"Оқсарой"нинг олдида жуда гўзал меваги ва манзарали дарахтлар, салқин ҳовуз билан қуршалган боғ ҳам барпо этилган бўлиб, боғни Амир Темур бобомизнинг ўзлари яратганлар.

Амир Темур илм аҳлини, дин аҳлини, авлиёларни жуда қаттиқ ҳурмат қилган. Айниқса, Шайх Хўжа Аҳмад Яссавийга ихлоси баланд бўлган. Доим жанг олдида Яссавий шеърларидан бир нечасини ёд айтиб, ундан кейин жанг майдонига кирган. Ҳукумат ишларини бошқаришда ва камтаринлик чегарасидан чиқмаслик учун ҳамма вақт дилида ҳазрати Яссавийнинг "Туфроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин,"- деган мисраларини такрорлаб юрар экан. Шунинг учун ҳам унинг қабри устида тенгсиз бир мақбара қурилган бўлиб, у Хўжа Аҳмад Яссавийнинг шогирди Занги ота мақбарасидир. Тарбиячи томонидан ҳар бир мақбара кўрсатилади, улардаги фарқлар аниқланади. Айниқса, Амир Темур бобомиз қурдирган “Оқсарой” дунёга машҳур бўлган. Амир Темур бобомиз ўз юртининг ободлиги, халқининг тинчлиги учун ҳеч нарсани аямаганлар, ҳамиша юртнинг ободлигига аҳамият берган.

Машғулотнинг иккинчи қисмида болалар рангли қоғозлардан қийиб, елимлаш орқали чиройли мақбара шаклини ясайдилар. Иш жараёнида қийналган болаларга тарбиячи ёрдам беради. Бажарилган ишлар стол устига терилади, болалар уларни кўриш – кузатиш орқали ўз ишларини баҳолайдилар..

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактабгача таълимдан бошлаб болаларни буюк мутафаккирлар, тарихий ёдгорликлар билан таништириш болаларнинг теварак-атроф, она Ватан, буюк мутафаккирлар, уларнинг қомил инсон ҳақидаги ғояларини мактабгача таълимдан бошлаб сингдириб бориш, таълимни инсонпарварлаштириш имконини беради,

болаларда ёшликдан бошлаб ўз юртини севиш, ватан ва халқ олдидаги масъулиятини тушуниб бориш ҳиссини шакллантиради, уларда улуғ аجدодларимизнинг маънавий мероси, она Ватан, унинг келажагининг муносиб ворислари бўлишдек ҳис-туйғусини ўстиради.

АДАБИЁТЛАР.

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993 йил.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият, Тошкент, “Ўзбекистан”, 1994 йил.

- 3.Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998
- 4.Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. 5-жилд. Тошкент “Ўзбекистон” 1997йил
- 5.Каримов. И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни- халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент, "Ўзбекистон", 1998 йил.
- 6.Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси.7-жилд. Тошкент. "Ўзбекистон"1999 йил.
- 7.Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси”, Тошкент. “Шарқ” 1999 йил.
- 8.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”1997 йил.
- 10.”Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч дастури.”Маърифат-мададкор. “Т.2001 йил.
- 11.Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари Ўз.ПФТИ,.2000 йил.
- 12.З.Иброҳимова. Мактабгача тарбия муассасаларида Амир Темури, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ҳаёти ва фаолияти билан таништириш.Т.Ўз.ПФТИ. 1995 йил.